



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 15-iyul / № 24 (4683)



ШУКРОНА

УЛКАН ХИРМОН – БЕМИННАТ РИЗҚ-РЎЗ

Ҳар йилдагидек, бу мавсумда ҳам бухоролик ғаллакорларнинг юзлари ёруғ бўлди. Оғир иқлим ва ер шароитида мўл ҳосил етиштиришда катта тажриба ортирган воҳа миришкорлари бу йил қабул масканларига 145 минг тонна, яъни мўлжалдагидан 7700 тонна зиёд сифатли ғалла топширишди.

Шартномани удалаш учун атиги 18 кун етарли бўлди. Деҳқон ва фермерларимиз тажрибасида илгари бундай ютуқ кўзга ташланмаганди. Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муҳим омил бўлганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, ғаллачиликда кластер тизимидаги ўтилган ерга, мулкка эгалик ҳиссини, дон етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширди. Соҳа ходимлари учун Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди. Қарорга мувофиқ, ғаллани

давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилди. Ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Ушбу омиллар мамлакатимиз ғаллакорлари, жумладан, бухоролик деҳқонларга ҳам куч-қувват бағишлади. Бугунги кунда вилоятда 13 та кластер корхонаси ташкил этилиб, уларга 3,5 минг гектар ер ажратиб берилган. Кластерлар томонидан деҳқонлар йил давомида минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари, бошқа зарур моддий ресурслар билан таъминлаб берилди. Кузги, қишки ҳамда баҳорги агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Натижа ҳам кутилганидек бўл-

ди. Умумий хирмонга Ромитан, Вобкент, Ғиждувон, Қоровулбозор, Қорақўл, Олот, Шофиркон туманлари деҳқон ва фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, Ромитан туманидаги "Замин", "Мўминабону Аброр", "Нурбек Азизбек Махмуд", "Саъдулло Сиддиқ замини", "Иброҳим Шамшод Зоҳид" фермер хўжаликлари ўртача ҳосилдорликни 80 центнерга, Вобкент туманидаги "Элач Шабнами", "Авез Мирзо замини", "Сарвиноз Соҳида Нигина", "Нурулло Амон Амрилло" фермер хўжаликлари 75-80 центнерга, Қорақўл туманидаги "Яшин", "Боғу Шабнам чорвадор", "Улуғ бобо", "Аҳмад Олим пахтакор" фермер хўжаликлари эса 75 центнерга етказишди. Ғалла ҳосилини тезкорлик билан йиғиштириб олишда Зариф Арабов, Сирожиддин Суннатов, Отабек Қодиров каби ғуруҳ раҳбарлари, Ойбек Қўшиев, Шамшод Сайфиев, Тўлқин Тошев сингари ўнлаб

комбайнчиларнинг ҳиссаси катта. Меҳанизаторлар кунига 100-120 тоннадан дон йиғиштириб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишди.

Меҳнат самараси билан тотли, албатта. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоят ғаллакорлари жорий йилда қарийб 1,4 триллион сўмлик даромад олишни мўлжаллашмоқда. Қолаверса, шартномавий режадан ташқари етиштирилган ҳосилнинг фермер хўжаликлари тасарруфида қолиши хўжалик ишчилари моддий манфаатдорлиги ва фаровонлиги янада ошишига имкон беради.

Бугун ҳам вилоят ғаллазорларида ўрим давом этмоқда. Демак, хирмон янада юксалади. Бухоролик миришкорлар эса хирмондаги жами дон салмоғини 463 минг тоннага, ўртача ҳосилдорлигини 76,5 центнерга етказишни ният қилишган. Бу уларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Вилоятимиз бободоҳқонлари ғўза парваришини оби-тобида амалга ошириш билан бирга, ғалла ҳосилидан бўшаган майдонларга такрорий экин экишни ҳам режалаштиришган. Ҳар бир туманда ишчи ғуруҳлар томонидан кам таъминланган, моддий мададга муҳтож оилалар, ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилиб, уларга далада меҳнат қилиб, даромад топишлари учун шарт-шароит яратилмоқда. Уларга кластерлар томонидан дон ва ем-хашак маҳсулотлари тарқатилляпти. Одамларнинг ерга, демакки, яшаш ва яратишга меҳри, иштиёқи ортмоқда. Зотан:

Бухоро – шон юрти, бахтга дарвоза, Шараф шодасида битта марварид, Пахтаю ғалласи элда овоза, Дашту саҳросида порлайди умид... Арзир ўзи уйган хирмон бошида Ўғил уйлагандек яйраса озод – Ерга синглисидек меҳрини берган, Ерни онасидек асрай билган зот.

Шодмон СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Бухоро вилояти бўлими раҳбари,
шоир

МУНОСАБАТ

САНЪАТ АҲЛИ УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июлда эълон қилинган "Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз санъаткорлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ушбу ҳужжат концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва ушбу лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ҳамда санъаткорлар учун қулай ижодий муҳит яратишдек мақсадларни кўзлашти билан аҳамиятлидир.

Мазкур фармон бўйича соҳа вакиллари қандай фикрда? Қуйида фармон юзасидан уларнинг муносабат ва фикрларини келтирамиз.

Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

— Миллий санъатимизни, умуман, санъат, ижод, адабиёт аҳлини фаол қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, ёши улуг устоз санъаткорларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган. Бундай савобли юмушлар замирида санъат ва маданият равнақи орқали халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтиришдек улугвор мақсадлар мужассам экани ҳар бир соҳа вакилини қувонтиради. Президентимизнинг 2022 йил 13 июлда қабул қилган фармони соҳа ривожига янги имкониятларни белгилаб бериши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш лицензияси учун давлат божини ундириш ва лицензияга эга шахсларни солиққа тортиш тизими такомиллаштирилди. Яъни, аввалги рейтинг гуруҳлари соддалаштирилиб, олтига рейтинг гуруҳи учтага қисқартирилди. Бу эса ижодкорларга давлат божи тўловини 3 баробарга камайтирди.

Шерали Жўраев, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:

— Мазкур фармон билан санъат соҳасидаги ҳар бир ижодкорга жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, самарали меҳнат қилиб келаётган нафақадаги санъаткорларнинг лицензиядан озод этилиши нафақат улар учун имтиёз, балки кўп йиллик фаолиятини эътироф этиш, қадрлаш ва улуглашнинг ёрқин ифодасидир.

Бир жиҳатини очик эътироф этиш керакки, 50 йилдан ортиқ фаолиятим давомида санъаткорларга сира бунақанги имконият яратиб берилмаган. Нафақаданми, касалми, тўйга чиқасанми, йўқми, лицензия олишнинг шарт эди. Бугунги ғамхўрлик "Инсон қадри учун" деган тамойилнинг яна бир ҳаётий ифодасидир.

Даврон Шералиев, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси бош директори:

— Президентимизнинг фармонида кўра, жорий йилнинг 1 сентябрдан бошлаб тўй-юбилей ва бошқа тантаналарда фаолият юритувчи санъаткорларга фақатгина III-рейтинг гуруҳи асосида лицензия берилди. Уларга йиллик 900 минг сўм миқдорда лицензияга давлат божи тўланиши белгиланди. Ушбу қарор кучга киргунига қадар, яъни ҳозир тўй фаолияти йўналиши бўйича лицензияга 2 миллион 100 минг сўм тўланган.

► 2

Танлов эълон қилинади

«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жонанжон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улугвор янгиланишлар, фидойи замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги энг сара асарларнинг анъанавий "Ватан учун яшайлик!" Республика танловини эълон қилади.

Танловга 2021 йилнинг 1 августидан 2022 йилнинг 1 августига қадар республикаимиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, захматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги оламшумул ўзгаришлар, буюк аجدодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилиши лозим.

Танлов иштирокчилари (муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот,

паспорт нусхаси, манзил ва боғланиш телефон рақамларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини "Ватан учун яшайлик" кўрик-танловига деб кўрсатган ҳолда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси манзилига почта орқали, шунингдек, pdf форматда badiiy_adabiyot@mail.ru электрон манзилига юборишлари мумкин.

Юборилган ижодий ишлар 2022 йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари:

Битта биринчи ўрин — базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари миқдориди;

Иккита иккинчи ўрин — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдориди;

Учта учинчи ўрин — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдориди;

Бешта рағбатлантирувчи ўрин — ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдориди пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон:
(71) 231-83-67.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР

САМАРҚАНДДА



«МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ»

Бугунги кунда маънавият ва маърифат тарғиботи, келажак авлодининг ахлоқий тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртдошларимиз, хусусан, ёшларда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик, шукроналик туйғуларини кучайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳри ва вилояти бўйлаб «Янги Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт» шиори остида "Маънавият фестивали" ўтказилди.

Фестивал доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар вилоятнинг барча туманлари, маҳаллалари ва энг чекка қишлоқлари аҳолисида, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, ҳудудий ҳокимликлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган «Маърифат улашиб», «Қадр-

дон мактабимга китоб совға қиламан» акциялари, «Янги Ўйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади» деб номланган китоб кўргазмалари ҳамда ёзувчи, шоирлар билан ижодий учрашувларда чекка туманлар аҳолиси ва ёшлар ўртасида китобхонлик кенг тарғиб қилинди. Самарқанд шаҳрида ўтган «Зиёлилар форуми»да эса жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил

этишнинг ижодий ва инновацион усуллари ҳаётга татбиқ этиш, миллий маънавиятимизни ривожлантириш, жойлардаги тарғиботчиларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ғоявий-тарғибот ишларини замон талабларига мос равишда амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Самарқанд шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинидаги тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси Нодиржон Қудратов, «Маърифат» тарғиботчилари жамияти аъзоси, профессор Дилором Бобонова ва бошқаларнинг «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» мавзудаги маърузалари тингланди, интерфаол суҳбатлар ташкил этилди.

► 2

САНЪАТ АҲЛИ УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

2024 йил 1 январгача фақатгина тўй-юбилей ва бошқа тантаналарда фаолият юритувчи ижрочилар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод қилинди. Шу билан бирга, меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиганларга бир йилда бир марта 300 минг ижтимоий солиқ тўланади ва бу бир йиллик иш стажига ҳисобланади. Шу вақтгача санъаткорлар ҳар ойда 300 минг сўмдан бир йилга 3 миллион 600 минг сўм ижтимоий солиқ тўлаб келаётган эди.

Энди маданият муассасаларида, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб боровчи санъаткорлар қўшимча равишда лицензия асосида фаолият олиб бораётганлиги учун ижтимоий солиқ тўлашдан озод этилди.

Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:

— Бугунги сиёсатимизда бир жиҳатга тақдор ва тақдор амин бўламани, халқда қандай фикр ва тақлиф бўлса, давлат ҳаммасини эшитаяпти, эътиборга олаяпти.

Яқиндагина Маданият вазирлиги биносида ўтказилган йиғилишда биз санъаткорлардан ўз фаолиятимизга доир тақлифлар сўралганда, фикрларимизни айтгандик. Қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслардан давлат божини ундириш ҳамда уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон қабул қилинди. Бунда ҳамма тақлифлар ўз ифодасини топган. Бундан жудаям хурсандимиз.

Фармон билан кўп йиллик самарали меҳнат қилган санъаткорларга қатор имтиёзлар яратиб берилмоқда. Масалан, пенсияга чиққан, ногиронлиги бўлган санъаткор ва талаба-ёшларимиз давлат божини тўлашдан тўлиқ озод этилди.

Маҳмуд Намозов, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:

— Тўғриси, авваллари кўпгина соҳаларда давлат божидан озод қилиш бўйича имтиёзлар кўлланилишини кўрардик. Қани энди санъаткорларга ҳам шундай имкониятлар яратилса, деган

фикр ўтган кўнглимиздан. Мана энди шу кунлар ҳам келди. Фармон билан солиқ имтиёзларининг берилаётгани айнан кексалик гаштини сураётган устозларимизга, ногиронлиги бўлган ҳамкасбларимизга жуда катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Равшан Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

— Узоқ йиллик фаолиятимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ўзим, созандаларим, раққослар, операторлар ва суҳандонлар алоҳида-алоҳида лицензия олиб, шундан кейин тўй ва концертларда хизмат кўрсатиб келганмиз. Фармонга мувофиқ, юридик шахс ташкил этган ижодий жамоалар ва ансамбллардан давлат божига ягона лицензия бўйича ундирилиши белгиланди.

Бу нима дегани? Дейлик, олдин битта жамоада 10 киши фаолият юритган бўлса, ҳар бир созанда 3 миллион сўмдан 30 миллион сўм, хонанда эса 15 миллион сўм, жами 45 миллион сўм давлат божига тўлаган. Эндиликда Президент фармони билан битта жамоа 6 миллион сўм тўлайди. Бу молиявий жиҳатдан катта энгилликдир.

Озода Нурсаидова, эстрада хонандаси:

— Ўшбу фармон мамлакатимизда маданият ва санъат соҳаси ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Фикримча, фармонда назарда тутилган энг муҳим жиҳатлардан бири — бу 2024 йил 1 январдан бошлаб, санъаткорларнинг фаолиятдан топган даромад солиғини декларация асосида ундириш тизимига ўттилаётганлиғидир. Бу дегани ижодкор ҳақиқий топган даромади ҳисобидан солиқ тўлайди.

Ўшбу жараёнда йиллик умумий даромадининг 10 ва 30 фоизи миқдорида четгирмалар кўлланилиши ҳам катта имкониятидир. Бундай имтиёз дастлаб хонандаларга, келгусида эса бошқа ижодкорларга таъбиқ этилиши санъат аҳли учун жуда катта қулайлик яратади.

ЎЗА МУҲБИРИ НАЗОКАТ УСМОНОВА ЁЗИБ ОЛДИ.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Туркий халқлар адабиётшунослигида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари бўйича кўллаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, «Бобурнома» ҳақида туркиялик олим Фуод Кўпрулуниинг тадқиқотларидан кейин яна бир туркиялик олим, доктор Ризо Нурнинг 1925 йилда Анкарада чиқадиган «Турк юрти» журналидаги «Бобур» номли мақоласида ҳам сўз юритилади. Унда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, хусусан, «Бобурнома»га оид маълумотлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Ўзбекистонда бобуршуносликка доир илк тадқиқотлар маърифатпарвар боболаримиз Вадуд Маҳмуд ва Абдурауф Фитратга тегишлидир.

Бир сўз билан айтганда, Ф.Кўпрулу, Р.Нур, А.Фитрат, В.Маҳмуд, Р.Арат томонидан олиб борилган тадқиқотлар туркий халқлар адабиёти тарихида Бобур ижодига доир илмий изланишларнинг дебоҳаси ҳисобланади. Улардан кейин бугунга қадар Бобурнинг кўп қиррали шахсияти ва «Бобурнома» асари билан бирга унинг бошқа асарларига бағишланган кўллаб

тори туркманистонлик олимларнинг ҳам муносиб хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, истеъдодли олим, моҳир таржимон Раҳиммамат Куренов илмий фаолияти фикримизга мисолдир. «Бобур девони» ва «Рисолайи волидия» асарлари таржимони, адабиётшунос олим Р.Куренов бугунги кунда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва

ТУРКМАН АДАБИЁТИДА БОБУР ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

илмий нашрлар юзга келди. Қардош турк, озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, уйғур олимлари томонидан «Бобурнома», «Бобур девони», «Мубаййин», «Рисолайи волидия» асарларининг таржималари эълон қилинди. Масалан, туркиялик олимлар Южел Билал «Бобур девони»ни (1995), Танжу Сейҳан «Мубаййин»ни (2004), Али Фуот Билкан «Рисолайи волидия»ни (2001) туркчага таржима қилишган бўлса, туркманистонлик олим Раҳиммамат Куренов «Бобур девони»ни ва «Рисолайи волидия»ни (2005) туркманчага, озарбайжонлик профессор Рамиз Аскар «Бобурнома» ва «Бобур девони»ни (2011) озарбайжон тилига ўгирди. Бобуршунослик илмида профессорлар Ислоҳ Жемени, Алмаз Улви Биннатова, Мунаввар Текжоннинг илмий тадқиқотлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Туркий халқлар адабиётида Бобур ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ҳақида гап борганда, бошқа қардош халқлар қа-



биродарлик ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, уларга дахлдор умумий маънавий меросни бир-бирига безавол етказиш, тарихий илдишларга эга муштарак нуқталарни уйғунлаштириш, айниқса, мумтоз адабиётимизнинг нодир манбаларини, жумладан, Алишер Навоий ва Бобур асарларини чуқур ўрганиш ва таржима қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш олимлардан бири.

Р.Куреновнинг, айниқса, Туркманистоннинг энг нуфузли нашрларидан бири — «Мерос» илмий-оммабоп журналида ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий ва Бобур асарлари тадқиқига доир эълон қилган мақолаларини илмий-адабий жамоатчилигимиз яхши билади.

Таъкидлаш жоизки, Р.Куренов, айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги илмий-адабий алоқаларни ривожлантириш ишига бекиёс ҳисса қўшган кам сонли чинакам фидойи олимлардан бири сифатида танилди. Унинг Бобур шахсиятига юксак эътиром руҳида камол топгани шох ва шоирнинг қиёси йўқ шеърининг толмас тарғиботчисига, таржимонига айлантирди. Олимнинг ўзбек адабиётига меҳри, хос қизиқиши туркман адабиётида бобуршунослик соҳасининг ривожланишига туртки бўлди. Туркманистонда бобуршунослик илмий ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим халқаро мисолида ҳам илмий тадқиқотларни амалга оширишга эришди.

«Шоҳ Баҳром», «Гулу Булбул», «Хўжам-берди» дostonлари ва лирик шеърлари, Маъруфийнинг «Сайфул мулк Мидҳал Жамол», «Юсуф ва Аҳмад», «Давлат Эр» дostonлари, Шайдоийнинг «Қиссаи Санавбар» дostonи, Нурмуҳаммад Ғариб Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» дostonини алоҳида эслаб ўтиш лозим. Махтумқулининг ижоди туркман мумтоз адабиётининг чўққиси ҳисобланади. Зеро, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тогган, кўллаб сафарлар қилган Махтумқули Шарқ классик адабиётини чуқур ўрганиб, туркман мумтоз адабиётини шаклан ва мазмунан мукаммал ғазаллар, рубоийлар, қиъталар билан бойитди.

Р.Куренов ана шу адабий сиймолар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганди. Улар ижодини ўзбек мумтоз адабиёти, қолаверса, Шарқ классик асарлари билан қиёслади. Жумладан, Алишер Навоий, Бобур, Махтумқули каби алломалар ижодини қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилди. Шарқ мумтоз адабиётининг энг улуг мутафаккирлари асарларини туркман адабиётининг ёрқин сиймолари ижоди билан ўзаро солиштириб, илмий-назарий хулосалар чиқаришга эришди.

Р.Куренов Бобурнинг адабий мероси ҳақида тўхталар экан, XIII—XV асрдаги сиёсий аҳвол, ижтимоий ҳаёт, у яшаган замонага доир муҳим тарихий воқеалар, Бобур ҳаёти ва ижоди, шажараси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир жиҳатлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритади. «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Мубаййин», «Рисолайи волидия», «Бобур Девони» ва уларнинг нашри, туркий халқлар адабиётидаги ўрни, жумладан, туркман адабиётига таъсири масалалари, ўрганилиш тарихи, масалан, шоир «Девон»ининг ёзилиш тарихи ҳамда қўлёзма нусхалари, шунингдек, қўллитининг Истанбул, Париж, Рампур, Тейхон қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот беради.

Туркий халқлар, хусусан, туркман адабиётида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга қизиқиш дунё бобуршунослик илмида муҳим ўринни эгаллайди. Бобур асарларини туркман тилига таржима қилиш асосида эгалланган билим ва тажрибалар эса бобуршунослик соҳасида келгуси тадқиқотларнинг юзга чиқишига асос бўлиб хизмат қилади.

ШУҲРАТ ҲАЙИТОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

САМАРҚАНДДА «МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ»

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Каттақўрғон туманидаги Ахборот-кутубхона маркази ҳамда Мажидий номидаги театрда ўтказилган семинар-тренинг эса туман маънавият ва маърифат етакчиларига тажриба алмашиш имконини берди. Бир гуруҳ фаол зиёлиларга китоблар совға қилиниб, сертификатлар топширилди.

Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг "Кун мавзуси" кўрсатувини орқали тадбирларнинг тўғридан-тўғри ойнаи жаҳонда намоиш этилгани "Маҳаллабай" тарзда ўтказилган "Маънавият фестивали"нинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботи жамияти аъзоларининг қатор лойиҳаларини самарқандликлар қандай иштиёқ билан қутиб олгани ҳақида сўз юритилди.

Жамила Шермухамедова, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Давлатимиз раҳбари турли соҳа вакиллари билан учрашувлари соҳалар истиқболига қаратилган видеоселектор йиғилишларида, аввало, инсон маънавияти, келажак авлод тарбиясига алоҳида тўхталиб, маънавият ва

маърифат масаласи барчанинг иши эканлигини таъкидламоқда. Маълумки, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдишлари, ноёб ва бетакрор намуналари бугунги ривожланиш тамойилларини ҳам белгилаб беради. Ёш авлодда инсонпарварлик фазилатларини камол топтиришда эса миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар муҳим ўрин тутди. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз бугунги давлат сиёсати ва амалга оширилаётган қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Обиддин Маҳмудов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, инсон қадри улуғланган юртга мана шундай байрамлар ярашади. Марказий ҳарбий округ Самарқанд гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган суҳбатлар аҳолига байрамона кайфият бағишлади. Тадбирларимиз, асосан, инсон — жамият —

давлат мустақамлигининг маънавий-маърифий, ҳуқуқий асослари, миллий қадриятлар ривожига ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири, ёшлар онгида турли зарарли иллатларга қарши маърифий иммунитет ҳосил қилиш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланди. Тойлоқ, Ургут, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Жомбой, Булунғур ва Самарқанд туманларида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари»га киритилган кўллаб оилаларга китоблар, уқув қуроллари жамламалари ҳадя этилди. Минглаб ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғуси жўш ургани уларнинг юз-кўзларида акс этиб турди.

Гўзал Холиқулова, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент:

— Онги эндигина шаклланаётган ўғил-қизларимиз Абу Райҳон Бурҳоний, Абу Наср Фиробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Амр Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби улуг зотларнинг муносиб ворислари бўлиб камол топишлари лозим. Ижодий учрашувлар чоғида йиғилганларга улуг мутафаккирларнинг мумтоз ғазаллари, ибратли ҳикоятлари ва ҳикматларидан намуналар ўқилди. Айниқса, Поирийқ туманидаги Тўпалос, Тараққиёт қишлоқлари, катта спорт майдони ва 53-умумтаълим мактабидagi учрашувлар адабиёт ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Замира Суёнова ва «Мақомчилар ансамбли» ёш хонандаларининг ҳар бир чиқиши томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Курсия Ёсонова тимсолида Нодирабегим, Увайсий момоларимиз сиймоси гавдалантирилди. Таниқли нотик Раҳимбой Жуманиёзов, қизиқчи Валижон Шамшиевнинг чиқишлари ҳам давраларга фойз киритди.

Тўлқин ЭШБЕК, Республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботи жамияти аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси хайрли ишга қўл урди. Бундан буён санъат ва маданиятимиз фидойилари, ижодий фаолияти билан ортидан ёруғ из қолдирган ҳар бир театр ва кино жонқуяри билан ижодий учрашувлар ва хотиралаш тадбирлари мунтазам ташкил этиб бориладиган бўлди. Илк тадбир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаметов ҳамда унинг семир йўлдоши, Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова

ХОТИРА

бўлиш бахти насиб этган. Уларнинг фидойилиги, касбига садоқати, ижодий фаолияти нафақат фарзандлари, балки бошқалар учун ҳам катта ибрат мактабидир...

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Элёр Носиров, Дилбар Исмоилова, Малика Иброҳимова, шунинг-

САНЪАТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди. Ўзбекистон давлат драма театри билан ҳамкорликда ўтказилган хотира тадбирида таниқли кино ва театр усталари, санъаткорларнинг фарзандлари, набиралари, яқинлари иштирок этишди.

Тадбир Театр арбоблари уюшмаси бўлим бошлиғи Тоҳир Дўстмуҳаммедов ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчонов очар экан, халқимизнинг сеvimли санъаткорларини ёд этиш, уларнинг ижоди билан ёшларни ақиндан таништириш, аввало, соҳа ривожига, қолаверса, ёш санъат ихлосмандлари тарбиясига муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Сўзга чиққанлар қисқа умри давомида, "Ийгирма олтинчиси отилмасин", "Икки дил дostonи", "Фидойи" каби кинофильмлардаги бетакрор роллари билан кенг танилган Тўғон Режаметов, "Тангалик болалар", "Бомба", "Афандининг беш хотини" каби кино ва сахна асарларида яратган ўзига хос образлари билан мухлислар меҳрини қозонган Ширин Азизова нафақат ижоди, балки шахсий ҳаётлари билан ҳам бошқаларга ибрат бўла олишини таъкидладилар.

Санътсевар халқимиз ардоғидаги ижодкорлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотима Режаметова, Зухриддин Режаметов, Фарангис Режаметовани танимайдиганлар кам бўлса керак. Уларнинг кино ва театрда ижро этган каттаю кичик роллари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, "Кичкина табиб", "Қўзларим йўлнинг", "Сехрли қалпоқча", "Ойижон" каби кинофильмлардаги ўзига хос ижролари билан улар мухлислар меҳрини қозонишган. Айниқса, Фарангиснинг таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Ойижон" фильмида ижро этган қизалоқ роли нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. Бу ижодкорларга, Тўғон Режаметов ва Ширин Азизова каби эл суйган санъаткорларнинг фарзандлари



дек, Муҳаббат Абдуллаева, Мадина Тўхтаева, Мадина Мухторованинг самимий сўзлари, хотиралари йиғилганларнинг эътиборини тортиди. Сардор Мансуров бошчилигида тайёрланган лавҳалар, бадий чиқишлар, спектакллардан парчалар учрашувга фойз бағишлади. Санъаткорларнинг фарзандлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотима Режаметова ва Ҳусан Режаметов ота-оналари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Санъатга меҳр қўйган инсон борки, ундан куч-қувват олади, қайгуларига юпанч топади. Фотиманинг қалби ўтган яқинлари ёди, касбига муҳаббати билан тўла. Унинг орзуси онаси Ширин Азизова ўйнолмай қолган Нодирабегим, Увайсий образларини яратиш, узоқ йиллар ўзбек санъати ривожига йўлида садоқат билан хизмат қилиш.

Тадбир сўнгига Театр арбоблари уюшмаси ҳамда Кино арбоблари уюшмаси томонидан санъаткорнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Фақат яхшиликка, эзгуликка хизмат қиладиган бундай хайрли ишлар инсонни улғайтиради, ёшларимизда санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиради.

С. РИХСИЕВА



Ўткир РАҲМАТ



Борлиқ ҳаловатда,
Само-да сокин,
Орол нафас олар эртани ўйлаб.
Нурафшон кунларга йўл олган секин,
Кўнглига минг турли орзулар жойлаб...

Ногоҳон авзойи бузилди кўкнинг,
Бирдан етиб келди дарғазаб шамол.
Эртаю бугундан умиди йўқнинг
Ўйин бошлагани шудир, эҳтимол.

Нима у юракка бехос қадалган,
Ўтганлар руҳининг чиқирашими?
Қақраган вужудин жунубушга солган,
Тасодиф ғалванинг ғам-ташвишими?

Сарғайган киприги намланди бирдан,
Кўзёшми, ёмғирми, билмас эди у.
Фитна хабарлари келар ҳар ердан,
Оролнинг кўнглига солганча кутқу.

Бошин қуйи эгиб, жим қолди шўрлик,
Йиғлар саксовулга зўрга осилиб.
Урчиб кетмасин деб жаҳолат, зўрлик,
Мен ҳам йиғлар эдим унга қўшилиб...

Шу дам ҳаёлимда жонларан мозий,
У ҳам шулар ҳақда ўй сурар чоғи:
Чангалин солдими ғаламис, осий,
Қайларга йўқолди яшил гулбоғи?

Қарасам Оролнинг кўз ёши чак-чак
Томарди хотира ўртаб жонимни.
Умрига қасд этди золим гулпечак,
Ёмон куйдирганди хонумонини...

Бир пайт мовий эди, қандай зўр эди,
Мавжланган тўлкини сачрар осмонга.

Бироқ ҳардамхаёл, анча ғўр эди,
У сифмай қолганди манфур замонга...

Унда зарра айб йўқ, этишган мажбур
"Одил шўро" ларнинг зулми, аъмоли.
Шундан бери дилим нотинч, бехузул,
Усиз хира тортди борлиқ жамоли.

Чекинди,
Ўрнини олди қумденгиз,
Кўз очирмай қўйди беҳад тўзони.
Риёлар...
Жафолар ортди-ку тенгсиз,
Ғуборлар қоплади биллур ҳавони.

Шўрлик йиғлаб-йиғлаб яна кичрайди,
Аҳволин сўрагга кимса бўлмади.
Бахтсизнинг йўлида ким ҳам учрайди,
Қирғоғи чекинди, вале ўлмади.

Абадий ҳақиқат: тундан сўнг тонг бор,
Ширин мева берар қаноат, бардош —
Яна тонглар отди — мовий, беғубор.
Яна нурлар сочди меҳрибон куёш.

Яхшилар у томон узатдилар қўл,
Қум-сахро ўрнида яшил боғ бўлди.
Яна қувнаб қолди ғариб Оролқўл,
Бечора денгизнинг кўнгли чоғ бўлди.

Қанча улуг ишлар чиқди амалга,
Бутун Ўзбекистон бошида гирён.
Орол ўлмагайдир энди сал-палга,
Қум-баҳран ўрнида бўй чўзар ўрмон.

Обод бўлди бугун кент, овуллари,
Бошида турибди элпарвар инсон.
Энди қор қилмағай қум довуллари,
Унга қулиб боқди чиндан ҳам замон.

Ҳар бир манзилида қайнайди ҳаёт,
Одамлар юзига инди табассум.
Оролим, бир ишдан огоҳ бўл фақат,
Дунёда ўйин кўп жудаям машъум...

Қаддингни кўтариб, нафас ростлаб сал,
Орзу-умид билан боқсанг самога.

Қадалган ниҳоллар тутганда амал,
Кўз тегдими, дейман сендек маъвога.

Булбуллар овози қайтиб маконга,
Чайқалиб-чайқалиб солланар боғлар.
Қумликлар йўл берган чоғда чаманга,
Қайдан келиб қолди қўзғуну зоғлар.

Дунё, айт,
айт ахир, нега шу дамда,
Рухимда кезмоқда ғалат бир ўкинч:
Нелар юз бермоқда бу кун оламда,
Қай бир юрт таланган, қай бири нотинч?

Айт, нега борарлар шум жарлик томон,
Фиску фасодларга шерикдир нега?
Айт, нега савашар беҳис оломон,
Йўл кўрмас осийлар тирикдир нега?

Ким ёмонлик тилар ўз онасига,
Ким истар момолар кўзёшин, оҳин?..
Нур битган чоғ зулмат пешонасига,
Айт, нега кўзғатдинг аждодлар руҳин?

Оролбўйларига инганда зиё,
Ёвузлик лашкари қўлдими, хайҳот.
Бунчалар урушга ўч бўлдинг, дунё,
Бунчалар бизларни қийнадинг, ҳаёт?



Бахтимиз кўролмас қайси бир нокас,
Унинг хийласидан урчир ғалаён,
Юракдан отилиб чиқади бир сас,
Кўз олдимда ғалат ҳоллар намён:

...Гўдаклар кўзидан қалқийди кўзёш,
Она кўкка боқиб айлайди нола.
Эзиб, янчиб борар қайси бағритош,
Оёқлар остида қолди бечора...

Яна бир гул сўлди,
Очмайин ғунча
Топталди...
Эзилди...
Навқирон ниҳол...
Бундайин кўргулик, дардни туйгунча,
Қандай чидар экан, билмайман Орол?!

Бу инсон фидойи,
Қирқдами ёши,
Нечага кирганин билмайман, рости.
Тагин бир инсоннинг тугади оши,
Яна ғолиб келди ўлимнинг дасти.

Ичимни тирнайди ғалати туйғу:
У йигит жон берди...

Айни авжи ёз.
Уруш нималигин билмас эди у,
Фақат киноларда кўрганди, холос...

Мардум орасида бордир бегона,
Бу фитнани ана шулар чиқарди?
Бир кунда минг ёшга қариди она,
Бир кунда отанинг сочи оқарди.

Ахир, ўйламасми инсон, дегани,
Ғанимлар ўйинда ғолибдир тоқай?!
Бизни кечирарми виждон, дегани,
Бизни кечирарми масъум болақай?!

Оролим, инжима, етар энди, йўқ,
Ўрнингга дардингни ютиб бераман.
Сен сари отилса, магар бирор ўқ,
Ишонгин, кўксимни тутиб бераман.

Бу ишлар дунёнинг макри, ҳойнаҳой,
Йиғлама Оролим, чекмагин озор.
Бошингни қўйишга энг муносиб жой,
Ишонгин, сен учун менинг елкам бор.

...Шу топда ўйларим қўймайди омон,
Гўёки чайқалиб бормоқда очун.

Нечун қора тортди мусасффо осмон,
Нега безовтадир муқаддас замин?

Эҳтимол, кўнглида минг турли савол
Ичини тимдалаб ўтаётгандир.
Даҳри дун макридан бечора Орол
Аламдан кўзёшлар тўкаётгандир...

Эй дўстим, огоҳ бўл, йўлингга тузоқ,
Чалғитиб қўймасин ғаним тиккан ғов.
Ўзингни асрагин, қадрдон Мўйноқ,
Кўк қадар юксалгин, азиз Бузатов.

Тинчлик тилагайман сенга ҳар замон,
Эзгуликлар сари ташла, деб қадам.
Дуода турибди Бердақ ҳам ҳамон,
Ана, "Омин" дейди Ажиниёз ҳам.

Қароғи намланган, дили-чи пора,
Душман йўлини боради тўсиб...
Қардошликни алқаб шеър ўқир, қара,
Силкиниб-силкиниб Ибройим Юсуф.

Биламан, ҳасратинг дostonи узун,
Кел, артай кўздаги жолаларингни.
Бовуриб, ёвга ем бўлмаслик учун,
Асрагин ғанимдан болаларингни.

Ҳадемай бу кунлар ўтади, албат,
Ғашликлар чекинар, диллар ёришар.
Ягона ўтинчим — ўғитим фақат:
Бирлашган йўлчилар чўққилар ошар.

Орол кўзёшлари тинади шунда,
Адашган ирмоқлар ўзанга қайтар.
"Нима етишмайди бизга очунда?!"
Ҳар оқил кимсаки шу гапни айтар.

Орол қайтиб кўзёш тўкмаслик учун,
Яшнасин кўнглида меҳру муҳаббат.
Дунёга омонлик тилайлик бугун,
Такрорлайлик келгин шу сўзни фақат:

Биласан, иккимиз бир тану бир жон,
Ажратиб бўлмағай — эту тирноқмиз.
Муқаддас бу тупроқ — жонажон макон,
Қондошимиз — ўзбекмиз, қорақалпоқмиз!

Эшқобил ШУКУР



ҚОФИЯСИ БУЗИЛГАН ШЕЪР

Имонли бўлишни истаган одам,
мунчалар ғамгинсан...

Тугёнли бўлишни истаган одам,
мунчалар ҳоргинсан...
Виждонли бўлишни истаган одам,
мунчалар ёлғизсан...
Бахтиёр бўлишни истаган одам,
мунчалар маъюссан...

МУҲИМ УЧРАШУВ

Туғилган юртимга борганда ҳар гал
ҳисоб берадиган одамларим бор...
Бораман дил тўла узрлар билан.

Бу ерда қалбимни кафтимга олиб,
Узоқ диллашаман, узрлашаман
Хотиралар ётган қабрлар билан.

УНДОВ БЕЛГИСИ ВА ҚЎРИҒИЧ

Ундов белгисини энди тинч қўйинг,
Шунча бақирғу қақирик етар.
Қўп йиллардан бери бу шўрлик белги
Ҳосилсиз далада серрайиб турган
Ташландиқ қўриғич ҳолига тушди.

КУЙМОҚ ВА КУЙЛАМОҚ

Сўқир булбул нега ёниб қуйлайди,
Мунча вижирлайди ҳалак қалдирғоч?
Қандай жон беради қуйиккан қийик?
Қуймоқ не, қуйикмоқ ва қуйламоқ не?
Нега шеър ёзади бечора шоир?

МУСУЛМОН

— Қаердан келаяпсан?
— Худодан!
— Қаерга кетаяпсан?
— Худога!

ОШИҚ

Етти миллиард хил
бармоқ излари орасидан
Сенинг бармоқ изларингни
янглишсиз топа оламан.

НИГОҲ

Зим-зиё зулмат ичида туриб,
Ёруғликдагидан кўра кўпроқ нарсани
Аниқ ва равшан кўраяпман.

САТР ВА СУВ

Кўз ёшимга қўшилиб
Сатрлар келар.
Мен сувман,
Мен оқишим керак.

УЛҒАЙИШ

Бир куни хотинимга айтдим:
— Кейинги йилларда анча улғайдим.
— Ахир, олтмишга кираяпсиз... — деди хотиним.
— Гап ёшдамас, — дедим кўксимга нуқиб,
— гап мана бу тошда...

КУЗЛАРИМ ЁШЛАРГА ТўЛИБ ҚОЛМОҚДА,

Кузги ёмғирларга тўла кўкрагим.

ЙЎЛДА ЙЎЛДОШСИЗ

Кимсасиз адирнинг ортида...
Оти кўпқарида ўлган чавандоз
Боботоққа қараб йиғлаб ўтирар,
Чўққида эриётган қордай йиғлайди.

КЎЗЛАР ВА КЎЗЁШЛАР

Уятдан уялган одамнинг
Кўзлари ойнадай тоза бўлар...
Аччиқ кўзёшларга ювилган кўзлар.

ИЗСИЗ ВА ЮЗСИЗ

Изини ўчирай десам,
Изи йўқ экан унинг.
Юзига тупурай десам
Юзи йўқ экан унинг.

СОҒИНЧ

Ассаломалайкум, дарёжон,
Пойингга бош уриб йиғлагим келар.
Ассаломалайкум, далажон,
Бағрингга қайғумни қуйлагим келар.

ТАШЛАНДИҚ ЙЎЛ

Дунёда кўп нарса йўқолапти,
Фақат кимсасиз бир йўл қолапти.
Уфқлар бағрига туташ бу йўлдан
Энди юрадиган одам топилмас...

НОМУТАНОСИБ ТАСВИРЛАР

Кимдир ресторанда бўкиб қолгунча
Ейди-ичади... ейди-ичади.
Кимдир боласига нон топаман деб
мусофирчиликда қонлар қусади.
Кимдир тилла дўконда олмос танласа,
Кимдир шип-шийдон далада
Тупроқни тирноқлаб урвоқ теради.

КИЧИК ВА КАТТА

Баъзан кичик ташвиш
Катталиқ қилади одамга.
Баъзан нозик бир сўз
Қаттиқлик қилади одамга,
Баъзан катта ақл
Оғирлик қилади одамга.

ЁМОН ОҒИЗ

Бу оғиз икки нарсага ярар:
Овқат чайнашга
ва гап чайнашга.

МАҲМАДАНАГА

Йўл четига ўтириб олиб
Чумолига йўл кўрсатма,
адаштирасан.

ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Унинг ташриф қоғози —
иссиқ табассуми эди.
Юзининг бебаҳо бу сепи билан
Ўлимни ҳам қаршилади у.

БЕЛГИ

Одамнинг орқа миясин суратин кўриб
Бирдан кўркиб кетдим,
зир титраб кетдим.
Бу суратнинг қуйи қисмида
Дум ўрни бор эди.

БУЮКЛИК ВА ХОКИСОРЛИК

Дунёдаги ҳамма нарсани
Тирилтирдинг, қаддин кўтардинг.
Ер бошларни кўкка еткардинг..
Нега ўзинг пастга оқасан,
Қудратли ва ҳимматли, эй Сув?

КЎЛ БЎЙИДА

Сув юзидан сузиб ўтар оқ булут,
Сувга нелар чизиб ўтар оқ булут.
Менгамас-да, шамолга кўнгл бериб,
Юрагимни эзиб ўтар оқ булут.

АЁЛ

Дунёнинг энг гўзал аёли сенсан,
Фикримнинг энг сўлим хаёли сенсан.
Маъносиоз оламда маъноли сенсан,
Сирот кўпригидан ўтар чоғимда,
Дўзахнинг жаннатга саволи сенсан.

ТАШЛАНДИҚ ШИЙПОН

Тунги боғда ташландиқ шийпон
Кўп кимсасиз ғариб кўринар.
Таланган кўнгилдай шип-шийдон,
Хароб ҳолда ҳориб кўринар.
Атрофида қари дарахтлар
Жанозага турадилар шай,
Унга эски бахтни эслатар
Терак узра балққан янги ой.

ЭСКИ ОДАТ

Чамаси тилим чиққандан бошлаб
Гаплаша бошлабман Оймомо билан.
Яқинда олтимишга тўламан.
Хайрият... Хайрият... бу эски одат
Мени ҳамон тарк этгани йўқ.

ҲАСРАТ ҚЎШИҒИ

Кўнглимни сўрама, исмим сўрама,
Рухимни сўрама, жисмим сўрама,
Бир қўхна йўл каби, бир ҳасрат каби
Ўтиб бораёпман сим-сим, сўрама.

Уфқлар ортига, қуёш олдига,
Кўзёшдан тикланган бир тош олдига,
Қоялар илдири — бардош олдига,
Кетиб бораёпман жим.. жим.. сўрама.

Оҳ тортиб қуйлайди мангу музликлар,
Саҳролар фарёди — олов сўзликлар,
Маҳшарда оқ юзлик, қаро юзликлар,
Инсон ким, ҳайвон ким, ким ким, сўрама.

Шаробми, ҳубобми — жом тўла қайғу,
Наймидир, рубобми бу қуйган туйғу
Туробми, харобми гултанлар ёху,
Қонми ё гулобми кўксим, сўрама.
Инсон ким, ҳайвон ким, ким ким, сўрама...

САФАРДА

"Истанбулга қаранг, — дединг —
бу гўзал Истанбулга!"
Сен ундан гўзал эдинг,
Азиз эдинг кўнгулга.

Кўзингдан оташ олиб
Жонимга ўт ёқайми?
Мен сенга боқайми ё
Истанбулга боқайми?

Пушти гул япроғига
Ҳофиз битган ғазалсан.

Сен Истанбул тупроғида
Истанбулдан гўзалсан.

КУЛГУЛАР ВА ҚАЙҒУЛАРДАН СЎНГ

Куни тўлса ҳар неки абас,
Зор кўнглингни дарёдай тошир.
Ўткинчида ўлгинингмас,
Тиригингни Худога топшир.

Бу оламда тирик ўлганлар,
Хола каби юрганлар қанча?..
Кетишга шай, келишга яна
Эшик қоқиб турганлар қанча?

Мунча оғир кўзлардаги мунг,
Мунча оташ лабларда титроқ.
Кулгулар ва қайғулардан сўнг
Йўлинг қайга, бандаи мудроқ?

Тафтиш, ҳадик, саволлар-да, бас...
Кел, ўзингни кўнглингга яшир.
Ўткинчида ўлгинингмас,
Тиригингни Худога топшир.

ЎТИНЧ

Йўлларда, тоғларда, шаҳарларда мен
Бир шоир шамолдай айланиб юрсам...
Кўзларимни юмиб кўрдай ўтаман,
Бахил бадбахтларни қаршимда кўрсам.

Фиск-фасод, йирингдир уларнинг бори,
Қўйни тўла тошдир, кўнгли тўла тош.
Ҳасад ва зулмидир парвардигори
Елкаси устида ахлат тўла бош.

Ўтинчим ўзингга, Яратган Эгам,
Уларни йўлимда қилмагил пайдо.
Бу дунё тугул-ку, у дунёда ҳам
Бундай кимсаларга дуч қилма асло!

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

Ўзбек мумтоз адабиётида ижоди ҳозирга қадар етарлича ёки умуман тадқиқ этилмаган шоирлар мавжуд. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шулар қаторида XIX аср охир – XX аср боши Хива адабий муҳити вакили Саъдий ижоди ҳам хос ўрин тутади. Мен кейинги йиллар давомида Фируз тахаллуси билан шеърлар ёзган Хива хонлиги ҳукмдори Мухаммад Раҳимхон II саройи муҳитида тузилган “Мажмуаи си шуарои Фируз-шоҳий” баёзи ва ундаги шеърлар ҳақида мақолалар нашр қилдим. Шу жараёнда Саъдий шеъриятини кузатдим. У Фируз саройида бадий ижод билан шугулланган етти шахзоданинг бири сифатида “Ҳафт шуарои Фирузшоҳий” тўпламида ҳам муносиб ўрин олган. Термиз давлат университети магистранти Дилнавоз Сатторованинг Саъдий шеърларини тўплаб, унинг ижоди бўйича олиб бораётган тадқиқотлари ўринлидир.

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори

XIX аср охири — XX аср бошлари Хива адабий муҳити миллий адабиётшунослигимизда, алоҳида ўрин тутади. Негаки, бу даврда шоҳ ва шоир Феруз бошчилигида кўплаб истеъдодли ижодкорлар камол топди, улар сермахсул ижод этиб, миллий адабий аъналаримизни давом эттирди. Бугунги кунда Феруз даври адабий муҳити вакиллари ижоди адабиётшунослигимизда атрофлича тадқиқ этилмоқда. Бироқ бу даврга оид турли тазкиралар, баёзлар, шеърий тўпламларни кузатсак, ижоди тадқиқ этилмаган, шеърлари жорий алифбода нашр этилмаган, ҳатто фаолиятига доир маълумотлар дарслик ёки илмий адабиётларда ҳам учрамайдиган шоирлар анчагина экани гувоҳи бўламиз. Ҳаёти ва ижоди тўлиғича ўрганилмаган, ижодий мероси илмий тадқиқот олиб бориш учун объект бўла оладиган, XIX аср охири — XX аср боши Хива адабий муҳити вакилларидан бири Саъдулла тўра ибн Саид Абдуллахон тўра — Саъдийдир.

Ходимнинг “Хоразм навозандалари” тазкирасида шоир Саъдий ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

“Шоирнинг исми Саъдулла тўра Саид Абдуллахон бўлиб, Саид Абдуллахон Мухаммад Раҳимхон иккинчининг ўғлидир. Саъдулла тўра Хиванинг ташқари қалъасида, Нурилбаек ховлисида туғилган. Демак, Саъдулла тўра подшоҳода оиласидан чиққан. У жуда зехни ўткир одам эди. Бир кўрган нарсасини, хоҳ арабий бўлсин, хоҳ форсий бўлсин, дарров ёдлаб олар эди. Бизлар — Нодим, Чокар, Ходимларга Юсуф Ҳожи Охун “Гулистон”и Саъдий, “Бўстон”и Саъдий, “Шоҳнома”и Фир-

давсийни ўқитди. Бу ўқиш уч йил давом этди. Сабоқ олиб юрган вақтимизда Мухаммад Раҳимхон иккинчи бизларга, ўқиган дарсларингизни Саъдуллага ҳам ўргатинглар, деб буйруқ берди. Шу буйруқ бўйича биз унинг олдига бориб турар эдик. Бир қатор ўқиб, эшитган замон у сабоқни ёдлаб олар эди”.

Ходимнинг маълумот беришича, Саъдий ҳеч қандай мансабдор бўлмаган, шохнинг давлати билан кун кечирган ва доим шоҳ уни ёнида олиб юрган.

Саъдий 20 ёшларидан шеърлар ёзган. Баёний унга устозлик қилган, истеъдоди баланд бўлганидан шоир даражасига эришган. Саъдулла тўра Саид Абдуллахон Саъдий Хива адабий муҳити вакилларида бўлиб, соҳиби девон ижодкорлардан ҳисобланади. Шоир шеърияти таҳлил этилса, улар анчайин баркамол лирик асарлар экани аён бўлади. Буни Саъдий лирик асарлари аксарияти, аввало, ҳазрат Алишер Навоий ғазалларига ўхшатмалар, тахмислар тарзида ёзилгани билан изоҳлаш мумкин.

Саъдийнинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақида Лаффасийнинг “Тазкирани шуаро”, Ходимнинг “Хоразм навозандалари” каби тазкираларида ва “Мажмуаи си шуарои Фируз-шоҳий” баёзида маълумотлар бор. Лаффасийнинг “Тазкирани шуаро”сида келтирилишича, у Ферузнинг фармониға мувофиқ ўзига Саъдий

тахаллусини олган. Шоирнинг лирик асарлари “Девони Саъдий” номи билан ЎзФА Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар фондида №909-рақами билан сақланади. Ушбу манбада “Сайид Саъдуллоҳ тўра. Хоразмда 1325/1908 йилда кўчирилган”, деган қайд бор. Девон матни насталиқ хатида. “Девони Саъдий” 138 та ғазал, 9 та мухаммас, 1 та мусаддас, 2 та мусаббаъ, 2 та маснавий, 2 та қасидадан таркиб топган.

Кузатувларимиз натижасида мазкур фондда Саъдий лирик асарлари мавжуд яна икки манба борлиги аниқланди. Булар 7092, 909/3 инвентар рақамлари билан сақланмоқда. Бундан ташқари, “Мажмуаи си шуарои Фируз-шоҳий”да ҳам Саъдийнинг 100 та ғазали келтирилган.

Адабиётимиз тарихида Саъдий ижоди бўйича махсус тадқиқот олиб борилмаган. Сабаби у ҳақидаги манбалар кўп эмас. Кузатувларимиздан аён бўлмоқдаки, шоир ижодига Алишер Навоий катта таъсир кўрсатган. Кўплаб замондош

ижодкорлар сингари Саъдий ҳам Алишер Навоий ижодидан таъсирланган. “Девони Саъдий”даги лирик асарларнинг айримлари Алишер Навоий шеърларига мазмунан ва шаклан ҳамоҳанг эканига гувоҳ бўламиз. Жумладан, жорий имлода табдил этилмаган, айтиш мумкинки, тўла тадқиқ этилмаган “Мажмуаи си шуарои Фируз-шоҳий” баёзида ҳам шоирнинг Навоий ғазалларига назира тарзидаги шеърлари киритилганини кузатиш мумкин.

Навоийдан сўнг буюк сўз санъаткориға эргашиш, ундан илҳомланган ҳолда ижод этиш, мумтоз адабий аъналарини давом эттириш одатий ҳолға айланган. Бунга Хоразм адабий муҳитида Навоий асарлари тошбосма китоб ҳолида чоп этилиши сабабдир, эҳтимол. Саъдий ижодда Навоий каби бадий мукаммал асарлар яратмаган эса-да, у ўз шеърларини ҳазрат Алишер Навоий асарларида илгари сурилган ҳақиқат ва адолат, халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари билан ҳамоҳанг яратди. Таъкидланганидек, Саъдий девонининг матний тадқиқи, умуман шоир ижоди ўрганилмаган эса-да, лирик асарларининг аксарияти шаклан ва мазмунан ҳазрат Алишер Навоий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилганини кузатиш мумкин.

Саъдий қаламиға мансуб “пайдо”, “айладинг”, “менинг” радифли кўплаб лирик асарлар таҳлили Навоийнинг шу ра-

ишонарли ва колоритли тасвирлайди. Ит Қоплон ҳам, гўзал Шоҳида ҳам суйганларға етиша олмасаларда, севги деган туйғуни англаганлари сабаб бахтли ва айни шу сабаб бахтсиз ҳам эканликлари ровий тилидан: “Қоплон ҳам, Шоҳида ҳам бахтли эдилар. Улар покиза меҳр ва севгини билардилар. Уни ич-ичларидан ҳис қилган, уни туйган, кўп кунларини унинг тафтида яшаган эдилар. Бахтсиз ҳам эдилар. Улар бу севги тўла дунёға меҳмон бўлиб келган эдилар, холос. Уларнинг севгиси айрилиқ йўллариға элтарди” тарзида изоҳланиб, жонлиқлараро муносабатларнинг нақадар чигал ва тушунарсизлигини кўрсатишға хизмат қилган.

Қиссада Қоплоннинг қарашлари сифатида берилган “Одамлар қилар ишни қилиб қўлиб, кейин афсус билан умр ўтказадиган жонзотлар бўлишаркан. Бировлари гуноҳ қилмагунча тинчшмас экан. Гуноҳ қилгандан кейин эса қолган ҳаётини шу ишининг тавбаси билан ўтказаркан. Гуноҳ қилиш пешонасига ёзилганларнинг ҳаёти икки қисмдан иборат бўларкан. Гуноҳгача ва гуноҳдан кейин. Гуноҳгача улар ҳаёт лаззатини фаҳат шу хато ишда кўришаркан. Гуноҳдан кейин эса ҳақиқий ҳаёт лаззати ва кўнгил ҳаловати гуноҳ қилмаган кунларида қолганини тушунишаркан” йўсинидаги мушоҳада одамға хос миназнинг нечоғлиқ тушунарсиз ва чалқаш эканини аққол акс эттирган билан эътиборни тортади. Чиндан ҳам ўз оқибатсизлиги сабаб Қоплоннинг ўлимиға сабаб бўлган хўжайин унга Қуръон ўқиб кумади, садоқатли итидан айрилгани учун йилғайди. Қиссада муаллиф кўпчилик одамларға хос садоқатни қадрламаслик иллоти оқибатларини жуда таъсирли кўрсатиб берган.

Китобдан ўрин олган “Манглайдаги ёзиқ” қиссасида тушуниш қийин, изоҳлаш ундан-да мушкул бўлган ҳаётий чигалликлар, одамлараро муносабатлардаги чексиз руҳий таранглик, биргина одам кўнглини тушуниш бутун олам моҳиятини англашдан оғир экани тирин инсонлар қисмати мисолида таъсирли тасвирланган. Ёзувчи асарида образларнинг кўнгил ҳолатларини энг яширин жиҳатлариға қадар тасвирлашға уринади.

Биз қиссаларда учрайдиган камчиликларға алоҳида тўхталиб ўтирмадик. Гарчи қиссаларда онда-сонда сўзни нотўғри қўллаш ҳоллари учраб турса-да, “Манглайдаги ёзиқ” қиссаси композициясиға бир қадар тарқоқлик хос бўлса-да, Бойбўл чолнинг битикдаги миссияси етарлича аниқлаштирилмаган эса-да, ифодадаги ўзига хослик, тимсоллар руҳиятини тегаран оча билиш Маъмура Зоҳиднинг асарларига алоҳида жозиба бахш этади.

Қозоқбой Йўлдош

диф ва қофияли ғазалларига ўхшатмалар тарзида ёзилганини кўрсатади. “Девони Саъдий”да ҳам шоир Навоийнинг иккита ғазалиға мухаммас боғлаган.

Саъдий лирик мероси жанриға кўра тасниф этилса, шоир ижодида ғазал, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, маснавий, қасида каби намуналар борлиги аён бўлади. Бу эса, бизнингча, шоир ижоди бўйича махсус тадқиқот олиб бориш заруратини кун тартибиға қўяди.

Саъдий шеъриятининг мавзу кўлами кенг. Шоир лирик асарлари мавзуйиға кўра тасниф этилса, улар диний-маърифий, ишқ-муҳаббат, ижтимоий мавзулардаги шеърлардир. Тўғри, шоирнинг аксарият шеърлари Навоий, Оғаҳий, Феруз, Табибий каби ижодкорларға тақлидан ёзилгандек кўринса-да, бироқ улар ўзига хос шакл ва мазмунға эға. Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, унинг Хива адабий муҳитидаги ўрнини баҳолаш адабий манбашунослик ва матншунослик ҳамда миллий адабиётшунослигимиз олдига турган илмий муаммолардан.

Саъдий ғазалидан бир намуна:

Қилди лаълинг шарбатин нўш, эй парирухсора гул,
Бўлди дармон ул сабабдин дард ҳар бемора гул.

Гул юзингни шавқида эй маҳ жабин сийминбадан,
Қилди Мажнунлар киби ҳар субҳ яқосини пора гул.

Гунча не янглиғ лахта-лахта тўлди бағри қон била,
Боғ аро чун қилди гулдек юзиниға наззора гул.

Жилва кўргузди юзинг чун гулзори май аро,
Бўлди ишқинг шиддатидин ғам била бечора гул.

Нотавонлиғлар била баргин оёқиниға сочиб,
Қилди юз минг оҳ бирла ўзини овора гул.

Бу ҳазин кўнглум нечўк оғуштаи ғам бўлмасун,
Тутди маскан базм васлинг ичра пора-пора гул.

Қилғучи лутфи қарам Саъдийға булким, эй пари,
Чунки бўлмиш андалиби зорға ғамхора гул.

Дилнавоз САТТОВА,
Термиз давлат университети магистри

КУЮНЧАК ҚАЛБ
ҲАЛОВАТИ

Ўйлаб кўрсам, Гулчехра ҳақида шу чоққача деярли ҳеч нарса ёзмаган эканман. «Шу чоққача» деганим — ўттиз йилдан ошиқроқ вақт Гулчехрани бевосита иш жараёнида кўрганам ва у билан бир жамоада ишлай бошлаганимға шунча йил бўлибди.

Устоз Абдулла Орипов куюнчаклик билан ҳамманинг ўз йўли, овози, яшаш тарзи, кўзлаган мақсади бор. Ҳеч ким бировнинг бўлогидан сув ичмайди, бировнинг кўчасидан кўрмайди деганлар.

Касбдошимиз Гулчехра Умарованинг ҳам ўзига хос характери, турмуш тарзи, ўзига яраша йиллар мобайнида шаклланган, сайқал топган билими ва маҳоратиға ярашиқли ижод овози, ифода услуби ва ҳатто бу дунёнинг жуда кўп саволларига бошқа ҳеч кимникиға ўхшамайдиган жавоблари бор. Бу овоз, бу услуб ва бу жавоблар, гарчи баъзан кимларгадир хуш келмаса ҳам, Гулчехранинг ички маънавий олами, ижодкорликдан кўзлаган мақсад-муддаосини аниқ-тиниқ кўрсатиб туради. Буни Гулчехра яхши тушунади. Лекин шундай бўлса ҳам, у ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай босимда, энг аввало, ўзига — матбуотимизнинг қирқ икки йиллик заҳматкашларидан бири сифатида танилган, қарашлари шаклланган, муҳлислари сочининг толасидан кам бўлмаган Гулчехра Умарова ўз сўзи ва ўз жавобларига содиқ қолади.

Бошқа соҳаларда ҳам бордир, аммо журналистикада бу майдон ичра от суришға бел боғлаган чавандоз учун зарур бир хусусият мавжуд: ҳар бир воқеа-ҳодисаға, қутилган ва қутилмаган ҳолатларға, яхши-ёмон кунларға, омад ва омадсизликка муносабатингиз бўлиши керак. Бу муносабатдан жавоб келиб чиқади. Гулчехранинг энг катта ютуғи — у ҳаммаша жавоб учун тайёр, ўзининг фикриға, онг-шууриға, кузатув ва киёсларига суянгани учун ҳам шундай.

Гулчехра телекўрсатувларда, жонсиз, фикрсиз йиғилишларда, шунчаки ўтказилаётган давра суҳбатларида баъзан жўшиб кетади, шаддод, аёвсиздай туюлади, аммо айни шу феъли билан кўрсатувда, йиғиниға, давраға жон киритади, мудраб ўтирганларда фикр уйғотади.

Мана, қирқ икки йилдирки, тандирдан янги узилган адабиёт газетасининг ҳидини биринчилардан бўлиб туяди, ижод умрини шу ишға бағишлади, яхшигина лавозимлардан воз кечди. Шу фидойилигидан ҳаловат, обрў-эътибор, маънавий лаззат топди. Аммо... унинг фаолияти шугина эмас. Гулчехра миллий маданиятимиз, миллий сахнамиз, ижрочилик маҳоратимиз ривожига катта ҳисса қўшди. Буни айтмасак бўлмас.

Гулчехра кўп йиллар давомида қорозға туширган фикрларини жамлаб, китоб ҳолиға келтирибди. Уларнинг аксариятини кўлёма ҳолида ўқиганман, у ер-бўриға қалам теккизганим ҳам бор. Аммо бугун тўплам ҳолида ўқиб, қасбимизнинг фидойи вакилларида бири узоқ йиллик ижод умрини беҳуда ўтказмаганиға яна бир бор амин бўлдим. Лавҳа, эссе, мақола ва суҳбатларда заҳматкаш синглимизнинг бегубор қалби шундоққина кўриниб турибди. Буни сиз ҳам ҳис этасиз, азиз китобхон.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист,
«Жаҳон адабиёти» журнали бош
муҳаррири

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Ёзувчи Маъмура Зоҳиднинг “Бойчечак” қиссаси қаҳрамони — кўнгил кишиси, ўқитувчи Турғун. Кўнгил одамиға яшаш ҳаммаша қийин бўлади. Бундай шахсининг ички олами беғидир ва муҳташам, носамимийликдан ҳоли ва ёрқин. Ташқи дунё эса, унга тамомила тескари: одамни нафс кўтқуларни сари етаклайди. Турғун ана шу икки олам зиддияти орасида қийналиб яшайди. У ўз касби — ўқитувчиликни, ўқувчи болаларни яхши кўради. Бу ҳолат қиссада: “Мақтаб ҳовлисиға кирди дегунча ҳамма нарсани: бўвсининг кексарганда келинадан ёлчимай қийналаётганини, ўзининг тенг-тўшлари билан сўзи чиқишмаслигини, акасини тез-тез бориб кўролмаётганини, Ойдиннинг

келиш учун боришға қарор қилди. Бироқ тонг — тонг эди. Буткул бошқа рангларда эди. Турғун оқшом ўзига берган ваъдаси учун ўзини ёмон кўриб кетди. Соқол қираётганда ойнадан уялди. Кўчада Ойдин билан етаклашиб юриши-ю орқасидан Йигиталининг етиб олиб, ўтиб кетишини кўз олдиға келтирди”. Икки ўт ўртасида қолган йигитнинг: “Ўзинг суйганини олгунча, ўзининг суйгани олгин экан” тарзидаги тўхтамға келиши ўқирмани ишонтиради. Бу ўринда изтироб исканжасидаги орли ўзбек йигитининг туйғуларни акс этади.

Ори туфайли Ойдинни кетказиб юборган, у эланиб келганида ҳам қабул қилмаган Турғун айни вақтда келинчагини ҳаддан

тилидан ҳикоя қилинади. Ҳатто ит тилидан берилган тасвир салмоқ жиҳатидан муаллиф томонидан берилган тасвирдан устунроқ ҳам. Бу усул асарда акс этган ҳар бир ҳаётий манзаранинг икки нуқтаи назардан кўрсатилиши ва баҳолашииға имкон беради. Муҳими шундаки, муаллиф ҳикоячи одам ва ҳикоячи итнинг нутқиға индивидуаллик бера олган. Эгалари ташлаб кетган уйнинг ҳолати Қоплон назари билан шундай тасвирланади: “...бечора уйнинг йиғлаганини кўрдим мен. Эгаси яхши кўрмагани учун, иссиқ баргидан жой бериб, бари болаларини ёмғир-қордан, совуқ-искидан асраб катта қилиб берганида, уни совуқ деб айблаганлари, ҳар куни саҳар

ТАҚДИР ЧИГАЛЛИКЛАРИНИНГ
БАДИЙ ТАСВИРИ

давкур-давкур кўз олдиға келиб турадиган қиёфасини унутиб юборади. Орқада қолади бари. Синфхонаға қадам қўйганида эса ўқитувчи опахонлар кўрсатадиган нағмалару баланднинг остидан, пастнинг устидан ўтишларини, битириш керак бўлган бир фарам қорғоз-поғозларини, икки ойлаб кечикадиган ва ҳали олмаган маоши устида бўлиб ётадиган тўлов-ўлпон машмашаларини ёддан чиқаради. Рўпарасида дунё дардларидан неча йиллар масофасида йироқ, ҳар бири бир олам болалар...” тарзида акс эттирилади.

Ўзи эзгу йўли, эзгу сўзли, эзгу амалли бўлгани, болаларда ҳам шу фазилатларни шакллантиришға урингани, бошқаларда ҳам шундай фазилатлар бўлишини истагани учун ҳаммаша зарбалар остида юриши, ички олами тўқис бўлмаганлар томонидан ёлғизлантирилиши асарда жуда таъсирли акс эттирилган. Бунинг устиға, ўзи суйиб уйланган қиз илк кечадаёқ унга: “Сизни яхши кўрмаймэн. Севганим бор эди, ваъдалашгандик. Дадам кўнмадилар. Дадамнинг юраги яна ушлаб қолмасин, дедим. Ўзимни ўлдиролмадим”, дейди. Ёзувчи бировға айтиб бўлмайдиган дардға йўлиққан йигит кўнглида кечаётган муҳаббат ва орият ўртасидаги олишувни кишини эмрантирар даражада таъсирли ифодалайди.

Ўзбек йигити аёлининг бугуниғаина эмас, балки ўтмишиға ҳам уйланади. Никохдаги аёл қачондир киминдир севганининг ўзи ўзбек эрқағи учун кечириладиган ҳолат эмас. Бундай ҳолатға тушган эркак изтироб оғушида қолади. Агар йигит аёлини яхши кўрса, изтироб даражаси янада ортади. Турғун ана шундай ҳолат исканжасида. Буни Маъмура ишонарли йўсинда тасвирлайди: “Узоқ уйлади. Тонг-ла Ойдинни олиб

ташқари яхши кўради. Шу боис йигитнинг: “Бунча ҳам чиройли бўлмаса Ойдин. Нега у... Нега жонига офат қилиб яралган экан-а? Нега у бошқани севди? У юрагини очмасидан севиб улгурди? Кўнглини бировға берди? Севиб қўйди? Нега? Қафтарлида тутмасмиди? Истаганини муҳайё қилмасмиди? Чўғдай ясантириб, ҳамма қизларнинг кўзини куйдириб олиб юрмасмиди?” тарзида пойма-пойроқ аңдухли уйлар суриши кишини ишонтиради.

Бир томондан шахсий ҳаётининг ўхшамагани, иккинчи ёқдан, ўз ишига лоқайд ва саводсиз касбдошларининг зуғуми, учинчи тарафдан, йигитға қилинган тўхмат туфайли у шаҳарға кетиб, қурилишда ишлашға мажбур бўлади. Кўнглиға бутун дунёни сифдирган йигит олдин қишлоғиға, кейин ёруғ оламға сигмай қолади.

Қиссининг барча ўрнида тасвир табиий ва зўриқишсиз боради. Муаллиф асардаги ҳар бир персонаж тилининг ўзига хос бўлишиға эришган. Шу сабаб мақоласиз гапирмайдиган буви, нутқининг пала-партишлигидан савияси қандайлиги кўриниб турадиган ўқитувчилар, бадий сўз сеҳридан лол қоладиган Турғун сингари тимсолларнинг тили бир-бириникидан кескин ажралиб туради.

Асарда жуда ўринли ишлатилган “Балоқ турилмай балиқ тутиб бўлмас”, “Йўлни йўлчи енгади”, “Кўк йилғамаса ер қулмайди”, “Қозоннинг қичқинаси тошди” каби неча ўнлаб мақоллар учрайди.

Уч қиссани ўз ичига олган китобдаги иккинчи асар “Садоқат” деб номланиб, Қоплон лақабли итға бағишланган. Асарда миллий адабиётимиз тажрибасида илк бор бирварақайиға икки ҳикоячи-ровий тенгма-тенг ва ёнма-ён қатнашади. Яъни қисса воқеалари ҳам ит тилидан, ҳам муаллиф

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Ўзбек адабиёти тарихида Хисрав тахаллуси билан шеърлар ёзган қалам аҳли кўп. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос яшаган даври, олган тарбияси, ижод услуби, кўрган устозлари таъсирида шаклланган тафаккур тарзи бор. Шу боис уларнинг фаолиятини бир-бирлари билан адаштириб, чалкаштириб бўлмайди. Ана шу жиҳатдан қараганда Туркистоннинг сўнгги хони Худойёрхоннинг ўғли Фансуруллоҳбек – Хисравнинг ҳаёти, ижоди, фаолияти бошқаларникига деярли ўхшамайди.



«ХУРШИД» МУАССИСЛАРИДАН БИРИ

Хисрав–Фансуруллоҳбек мустабидлик том маънода ҳукмрон бўлган чор ва шўролар империяси исканжасида яшаб, номи мажбурий унуттирилган шоир ва публицист, жамоат ходимларидан биридир. Шу боис унинг номи узоқ йиллар мобайнида адабиётшунослар томонидан деярли тилга олинмаган. Фурқат ҳаётини махсус тадқиқ қилган адабиётшунос Шариф Юсуповнинг берган маълумотига қўра, шоир Фурқатнинг машҳур “Сабога хитоб” мактубидан Фансуруллоҳбекнинг номи тилга олинган ун бир байт олиб ташланган.

Фансуруллоҳбек 1872 йилда Қўқон шахрининг Ўрдасида Худойёрхоннинг сеvimли эш-аёлларидан бири Масъудaxon (Оғача ойим)дан туғилган фарзанди. Худойёрхон ибн Шерғоziхон чор Русиясининг bosқини туғайли тахтидан айрилиб, ватан хоини Саидазимбойнинг Туркистон бош губернатори фон Кауфманга берган маслаҳати туғайли Оренбургга сургун қилинган даврда ҳали норасида эди... Оғача ойим завжасининг ортидан эргашиб фарзандлари Ўрмонбек ва Фансуруллоҳбекни олиб Туркистонга борган ва хон амри билан ўша ерда яшаган. Андижон вилоятининг sobиқ ҳокими, “Шаҳзода” тахаллусини олган хоннинг тўнғич ўғли Насриддинбек Владимир шахридаги сургундан қутилгач, Туркистонда Оғача ойим ва укалари билан кўришиб, уларни Тошкентга кўчириб келади. 1880 йилда Тошкент шаҳар Шаҳи Хованди Таҳур даҳасининг Жанжирлик маҳалласидан бир ҳовли олиб, ватанлик бўладилар.

Фансуруллоҳбекнинг илму адабиётда меҳрини сизган Масъуда-Оғача ойим сарой таълим-тарбиясини яхши билгани, ўзи ҳам oilасида яхши билим олгани боис ўғлини адабиёт ва санъат оламига олиб кириш билан чекланмай, фарзандини рус-тузем мактабда ўқитди, ҳовлисига яқин бўлган Эшонқули дoдхoҳ мадрасасида таҳсил олишига имкон яратди. Шаҳзода она тилидан ташқари араб, форс ва рус тилларини ўрганган ва ўзлаштирган, ўз замонасининг Фурқат, Мўйи каби муmтoз шоирлари билан мустаҳкам aloқа boлган. Шулар Фурқат Тошкентда яшаган даврда “Сабога хитоб” мактубида битилган:

Чикиб андин дағи бир кўчаи тор,
Бегим ҳовлиси анда, жaҳд ҳаи бор.
Бегим, жоним, афандим Фансурулоҳ,
Зиҳи шаҳзодаи зул иззаул жоҳ.
На ман, таңхо, улус шаҳзодадидур,
Ҳам шаҳзодалар озодадидур.
Кириб кўргонда ер ўпқил, дуо қил,
Кўзунга хоки посин тўтиё қил –

байтларга қараганда Фансуруллоҳбек билан унинг ҳовлисида тез-тез қуришиб турган. Ўша учрашув ва суҳбатлар асносида шаҳзоданинг шеърый истёъдоди чархланган кўринади. Бундан ташқари, шоир Мўйи билан ёзишмалар олиб борган, унга атаб махсус қасида битган. Тошкентлик шоир ва сара мусиқа усталари, мақомдонларидан мусиқа ҳамда созандалик сирларини ўзлаштирган, айниқса, танбур чертишда юксак маҳоратга эришган. Фансуруллоҳбек миллий мақомнинг тарона, ашула йўлларини мукаммал эгаллаган. XIX – XX аср ўзбек адабиёти намояндаларининг ўзига хос қомусини яратган қўқонлик муаллим домла Пулатжон Қайюмий “Тазкираи Қайюмий” асарида Фансуруллоҳбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ихчам маълумотлар берган. Унинг муסיқачилик истеъдодининг юксаклигини қўйидагича таърифлайди: “Хўқандлик машҳур макомчи, муסיқийшунос Мулла Шодмонҳожи Тошкентга бориб Хисравга меҳмон бўлмиш. Аснои мусоҳабада “Шашмаком” ва унинг тармоқлари устида сўз борар экан, қизишиб танбурин оладурларда, мақом ошабошлайлар, навабат ила бир-бирига эргашиб кетадилар. Юқорилашгач, раҳбарлик Шодмонҳожиде қолдириладур. “Асосий мақомлардан турли тармоқларга бошлаб кўрдум, адаштира олмадим. Тўхтаб, дам олиб қайдан бошламас шундан кетди, – дебдур Шодмон ҳожи. – Эртаси кун яна давом этдик. Бекда маҳоратни зиёда кўрдим. Тўхтадим. Бек ўрнидан турди-да, ўзи қилиб юрган почалўстинни манга кийгизди. Раҳмат айтди. Ман ташақкур айтдим”, деди”.

Қайюмий домла ҳикоя қилган бу ҳолатни ҳар икки соҳиб мақомнинг бир-бирларига меҳр ва муҳаббат билан тан беришидир, десак муболага бўлмайди.

Фансуруллоҳбек Эшонқули дoдхoҳ мадрасасида илм таҳсили, айниқса, шоир Фурқат билан ҳамсуҳбат бўлиши, шоир Мўйи билан мактуб ёзишиб фикр алмашиш орқали дунёқараши кенгайиб, бадий тафаккури чархланади. Шаҳзоданинг ижтимоий-сиёсий тафаккури ривосида қайинотаси генерал Жўрабек Қаландарбек ўғлининг ҳам ҳиссаси борлигига шубҳасиз йўқ. Чунки генерал Жўрабек туркий дунё намояндаси Исмоил Гаспрали билан унинг биринчи келиши даврида шахсан қуришган, суҳбатлашган ва ўзбекча меҳмондорчилик удумини кўрсатган, унинг “Таржмон” газетасининг биринчи бунчаларида бўлган. Гаспралининг ўзи бу учрашувлар ҳақида саёхат хотираларида тўқилганиб ёзади.

Худойёрхон oilасининг кўнгли синиқ, аммо ниҳоятда зиёли авлодлари содир бўлган машъум тарихий воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини кўп ўрганиш, мустамлакачи давлатнинг уларга нисбатан икки-юзлама сиёсати, oilани аста-секин сиёсий сиңдириш ва ҳазм қилиш истаги замонга тик боқишга ўргатди. Фансуруллоҳбек генерал қайнотаси каби матбуотга жиддий назар ташлай бошлади. Мунавварқори Абдурашидхонов, Муҳаммад Раҳим Нурмуҳамедов (тараққийпарварлик қарашлари учун 1907 йилда бир неча ой “Московская тюрьма”да ўтириб қолган, шу даврга қўйилган айб учун 1936 йилда oлиб жазога ҳукм қилинган), Исмоил Обидов ва бошқалар билан oшнолик, Ички Русия ва Туркистон вақтли матбуоти билан мунтазам танишиб бориш маҳаллий тараққийпарварлар билан ҳамкорликка олиб келди, уни сиёсий ҳаётга янгича назар ташлашга йўналтирди. Шу боис 1906 йилда Мунавварқори Абдурашидхонов ношир ва муҳаррирлигида chop этилган “Хуршид” газетасининг муассисларидан бирига айланди. Ўзи ҳам газетдада мақолалари билан иштирок этди.

Фансуруллоҳбек олға сурган фикрларда Петербург, Қозон, Оренбургда нашр этилган “Улфат”, “Вақт”, “Шўро”, “Қуёш” нашрлари, Русия Давлат Думаси мусулмон фракцияси томонидан қўтарилаётган масалалар таъсири аққол сезилмади. Бор-йўғи унта сони чиққан “Хуршид” газетасида Фансуруллоҳбекнинг учта: “Сабаби тулби Хуршид”, “Жумла мусулмонларга бир хабари фараҳафзо”, “Ҳолисона бир арз” мақолалари

босилган. Шаҳзода халқимизга газетанинг omма ҳаётида тутган ўрни ва вазифасини тушунтирар экан, муҳаррирлар фаолиятини oйдинлаштирди: “Ҳақиқатан миллат ходими дейилса ҳам жойиз газита муҳаррирларини бу гўзал, нозик йўлдан айрилмай ўз халқларини(нг) ахлоқларин ислоҳ этуб, илм-у маориф йўлига раҳбарлик қилмоқ жон-дил биле сўйган бир вазифаи мубораклари ўлдўғини ҳеч кас инкор этмас, модомики ҳол бўйла экан, биз Туркистон аҳли нечун ўз чиғатоий турки тилимизда газита чиқармаюрмиз деган муддаода ҳукумата мурожаат этиб... бу фазит нашрига муваффақ ўлдук”, дейди. Газетанинг ўз oлдига қўйган мақсадини етти моддада баён қилади. Ўшбу мақсад-маслак ўз даври ва жамияти учун ўта муҳим бўлгани боис ихчам тарзда ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз: “Биринчи, Туркистон мактаб-мадрасаларида ўқитиладиган дарсларни ислоҳ қилиш; иккинчи, Туркистон халқининг миллий бирлигини барпо этиш учун “Жамияти хайрия” ташкил этиш; учинчи, Пе-

тербург, Оренбург, Боку, Қозон, Боғчасарой нашрлари билан маҳаллий ўқувчиларни “Хуршид” воситасида таништириб бориш; тўртинчи, турки(ўзбек) тилида гаплашадиган халойиқ учун бир адабий тилни ташкил қилиш; бешинчи, Русия ва хорижий матбуотда босилган илмий-фанлий, бадий асарлар, ижтимоий воқеалар, қисқа хабарлар билан ўқувчиларни таништириб бориш; олтинчи, ким бўлишидан қатъий назар халққа ва динга зиён етказадиган ишларни ман этиш; еттинчи, миллатимизни дунё ва охиратда давлат ва саодатларига сабаб бўладиган илм ва маориф тарихига ҳақона, ҳолисона қараш, бетарафона насихат қилмоқ”.

Туркистоннинг XX аср бошида кетаяётган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан, империянинг маркази ва катта шаҳарларида содир бўлаётган сиёсий воқеалардан хабарсиз бўлган оддий ўқувчи учун келтирилган етти модда ҳеч нарса билдирмаслиги мумкин. Аммо мустамлакачилик, мустабидлик касалига йўлқулан империяларни учун бу ўта даҳшатли ва ҳафсли воқеа бўлиб, ижтимоий, маърифий, маданий ўзгариш, чор ҳукумати берган ҳуриятдан унумли ва миллий нуктаи назардан фойдаланиш демокдир. “Тараққий” газетасида “Жамияти хайрия” масаласи кўтарилгани билан газета ҳукумат томонидан тўхтатилди. Шунга қарамай Туркистон, хусусан, Тошкент шахрининг бойи, диндори, муаллими, зиёлиси, ишчисигача бирлашиб, “Жамияти хайрия”ни ташкил этишга киришганини Фансуруллоҳбек oшкор қила олди ва бу ташкилотнинг миллат ҳаётида муҳим ўрин тутишини omмага етказди. Чор ҳукумати, хусусан, Туркистон ҳарбий ва маъмурий идораси ҳўжайинлари орадан бир неча йил ўтгач, бу жамиятни расмий рўйхатга олишга мажбур бўлдилар (жамият 1909 йилдан oшқора иш бошлади).

Жамиятларнинг қонуний ишлаши, берилган ҳуриятдан унумли фойдаланиши учун империя Давлат Думасида Туркистон вакилининг бўлиши ўз даври учун ўта долзарб масала эди. Фансуруллоҳбек Дума вакили қилиб юбориладиган кишининг илмий, сиёсий, ҳарбий, юридик ва диний савияси талаб даражасида бўлиши кераклигини ўртага ташлар экан, бундай номзодларни танлаш учун, аввало, мамлакатнинг турли шаҳарларида, сўнг Туркистон пойтахти ҳисобланмиш Тошкент шаҳрида барча шаҳарларнинг нуфузли ва билимдон кишилари йиғилиб, вакилларни танабл, улар Думага олиб чиқадиган масалаларни келишиб олишни Туркистон жамоати эътиборига ҳавола қилди. Унинг тақлифига қўра, Туркистондан Думага сайланган кишилар шарият, ҳирож ва солиқ, Туркистон учун махсус чиқарилган низоом(положение)га ўзгартиришлар қиритиш, вақфларни қайтариш, мамлакат халқи устида ҳукмронлик қилиш учун ишланган қонунларни ислоҳ қилиши масалалари кўриб чиқилиши лoзим бўлган. Бу эса Туркистонда чор ҳукуматига қарши турадиган янги қучлар вояга етаётганидан далолат эди...

Фансуруллоҳбекнинг бу ижтимоий-сиёсий тақлифлари заминида факатгина бир гуруҳ тошкентлик бой, диндор ва зиёлиларнинг фикр ва талаблари эмас, балки бутун Туркистон халқининг талаби, қолаверса, “Иттифоқи муслимин” фирқаси олға сурган мақсад-маслақлар таъсири борлигига шубҳа йўқ. Бунга Фансуруллоҳбекнинг “Ниҳийи-да воқе ўлмуш ижтимои муслиминни(нг) қарорномаларини ҳам бу хусусда бир назар-мулоҳазадан кечурмак лoзим” деган сўзлари далилдир. “Хуршид” газетасида ижтимоий-адабий тафаккури кучли кишиларнинг жамланганини сизган Туркистон ҳўжайинлари газетани мажбурий тўхтатиб қўйдилар.

Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг бадийи ижодга киришиб кетган Фансуруллоҳбек курашни маориф соҳасига кўчирган дўстлари билан aloқасини ўзмаган. Аммо Тошкент ҳарбий мактабида таҳсил олаётган ўғли Хисравбек(1896–1926)нинг қутилмаган вафотидан сўнг ижтимоий ҳаётдан кўнгли совиб кетди. Дўсти ва маслақдоши Мунавварқори Абдурашидхоннинг 1929 йилда қамоққа oлиниб, Москвага олиб кетилиши уни чуқур ўйга толдиради. Шу йили қувёи Шаҳобиддин Аҳмедов(Тожиқонов)нинг ГПУ томонидан қамоққа олиниши унинг қаддини янада букади. Аммо бир неча oйдан сўнг oзодликка чиққан Шаҳобиддин Аҳмедов умур йўлдоши Ҳумонобегим билан махфий равишда Туркистондан Шарқий Туркистонга ўтиб кетадилар. Ана шу воқеалардан сўнг Фансуруллоҳбек Худойёрхон ҳам қамоққа oлинади ва 1931 йилда қамoқхoнада вафот этади. Ўғлининг вафотидан сўнг унинг исмини абадийлаштириш ниятида ўзига тахаллус қилган шоир, мақомдон ва жамоат ходими Фансуруллоҳбек Худойёрхонов- Хисрав ҳаёт шамъи шу тарика сўндирилди... ГПУчилар oilасига дафн этиш учун унинг жасадини ҳам бермадилар.

Ҳаёт бир жойда қотиб турадиган нарса эмас. У доимо янгиланади, ўзгариб туради. Мустабидлар шоир Хисрав-Фансуруллоҳбекнинг жасадини oilасидан зулм билан ўғирласалар-да, аммо фаолиятини, ижодини ўғирлай oлмадилар. У – барҳаёт!

Сирожиiddин АХМАД

Шоир Хисрав-Фансуруллоҳбек ижодидан бир намуна:

Ҳазал

Ситам андеша, яғмо пеша, ғорат ҳўйи ёримдур,
Матой дийна раҳзан наргиси жодўй ёримдур.
Табибо, васф этиб дармон бошим дардин зиёд этма,
Давоси они бир таффи сори зонўй ёримдур.
Бугун тақлифи меҳрoб этма кўп беҳуда эй зоҳид,
Ки меҳрoби ижобат манга бир абрўйи ёримдир.
Эшит, эй боғбонким, боғ аро шамшоду сарвингга
Ўқутгон дарси мавзунлиқ қад дилжўйи ёримдур.
Кўзим ёшин тиндурмас, ҳакимо, тўтиё билким,
Давоси они таскини хоки кўйи ёримдур.
Назокатбахш қилгон ғунчаи гулни чаман ичра
Бил ҳосияти лаъли лабидин тўйи ёримдур.
Бу Мажнун кўнглим Хисрав ғизоли дашти Чин ичра
Қилан саргашта бўйи анбари гисўйи ёримдир.

Пулатжон Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асарида олинди.

Ойиси Хуршидни боғчадан вақтли оларкан, тарбиячисига: «Бугун болагинамнинг туғилган кунин!» — деди. Кўндузги уйқудан вақтли уйғотилган Хуршид «туғилган кун»нинг нима эканига ақли етмаса-да, қувнаб иргишлай бошлади.

— Туғийган куним, туғийган куним! — дея қичқирганча олдинга тушди. Ойиси уни зўрга тутиб туриб, майкаси устидан оқ шойи кўйлақчасини аранг кийгизди. Хуршид баттар иргишлар, лабларида музикага ўхшатиб, турли овозлар чиқарарди.

— Дуввев... туғийган куним...

Хуршид йўл бўйи ойисига бидирлаб келди, ҳовлига яқинлашганда чoла-чoла дарвозадан биринчи бўлиб кирди, атрофга аланглаб, бир нималарни излаган бўлди. Қўзига ҳеч нарса олинмади. У югурганча катта уйга ўтди: уйнинг ўртасида узун стол қўйилган. Стол устида турли хилдаги емшлар. Хуршиднинг кўзи ўртаси қип-қизил гулли тортга тушди. Мазаа! У тортга қўлни чўзган эди — етмади. Яқинидадаги стулни қўйиб, қаққонлик битан ўрмалаб чиқди, тортнинг гулли жойига чангал урди. Биттасининг гулини тамомлаб, иккинчисига қўл чўзаятганда ойисининг овозини эшитди.

— Вой ўлмасам, нима қилиб қўйдинг! — ойисига югурганча келиб, уни стулдан олиб, ташқари судради. Улар эшикдан чиқаваришда Хуршиднинг кўзи тошойнага тушди: бурни, юзлари оппоқ. Худди циркдаги амакдай. Ойнага қўйида ўгирилиб қараркан, бишлага билан бариани дийдалари, тўнғич фарзандлари... Тўғри, агар

МАХОРАТ МАКТАБИ

ТУҒИЛГАН КҮНИМ ҚАНДИ?

ман нима қилиман, бирпас шошилмансанг-ку, ўзим кесиб берардим.

Ойиси уни чўмилтирди. Патли сочиққа ураб, ўзи ўйнайдиган уйга олиб кирди. Хуршид тилан устида бир думалаб, ўрнидан турди-да, очилиб кетган сочиқни оёқчалари билан тепа бошлади. Семизгина, думдумалоқ. Ойиси уни зўрга қувиб тутаркан, қичир-қичир қулар, лабачаларни чўчқайтириб, аллақандай овозлар чиқарарди. Янги кийим кийдираётганда Хуршид баттар қувнаб, ойисининг бўйнидан ачомлаб олди. Матросча қўйлақ ва калта шимининг чўнтақларига қўлни тикиб кўрди. Ойиси унинг энсиз елкаларидан тутиб, пушти, намчил, нуқра юзчаларига ширин бир меҳр билан боқди. Шу пайт Хуршиднинг бурни билан бош оралиғига нисбатан янги ақинлар пайдо бўлди, оғзи ярим очилди... аксирди. Ойиси: «Уҳ, урди!» дея сочиқнинг учи билан унинг бурнини қаттиқ артди. Хуршиднинг бурни ости қип-қизариб, қўзларидека ёш айланди.

— Қанисизлар? — уйга отаси кирди. Хуршид бурун остининг оғриғини ҳам унутиб, отасига қараб югурди, отаси чўнкайган эди, унинг бўйнидан ачомлаб олди. «Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриқлайман, ҳурматли Хуршид Савриевич!» — деди отаси йўгон овозда унинг бетларидан «чўлп-чўлп» ўпаркан. Хуршид ўзини отасининг билалига ташлаб, яйради. Отаси ўрнидан турганда унинг қўлларига осилиб, оёқлари орасида ағримочқ учди.

Ота хурсанд, она шод, бола бахтиёр.

— Қани онаси, тезроқ бўлинг, ҳализамон меҳмонлар келиб қолишад, — деди отаси. Хуршид «меҳмонлай, меҳмонлай!» деганча иргишлаб, ташқарига отилди. У қўшни болапарга бориб қўшиларкан: «Мани туғийган куним бой!» — деди мактанби. Унга ҳеч ким эътибор бермагач, ҳафсаласи пир бўлиб, уйга қайтди. Ойиси ошхонада экан.

— Ойи... туғийган куним тани? — дея сўради ойисининг оёқларига ёпишиб. Ойиси қаҳ-қаҳ уриб кудди.

— Туғилган кунинг кечкурун бўлади... меҳмонлар келганда! — деди унинг бошини силаб. — Бор энди, болам.

Хуршид қўшни хонага кириб, кеч бўлишни кута бошлади. Уй бурчида тўнтарилиб ётган пачоқ «самосвал»га ип боғлаб, уйнинг у бошидан бу бошига «пириллатганча» бориб кела бошлади. Кейин биқинига «Молоко» деб ёзилган сариқ машинасини «самосвал»га қўндаланг қилиб юклаб, оҳиста судрай бошлади. Тезда бундан ҳам зерикди. Катта уйга яна бир бор кирмоқчи бўлди. Борса, эшик очилмади. Узоқ унади. Очилмади. Ўтириб олиб, бор овозда йиғлашга тушди. Отаси келиб:

— Нега йиғлайсан? — деб сўраган эди, оёқларини тигирчилатиб, баттар йиғлади. Шу аснода дарвоза қўнғиргоғи жиринглади. У ҳам қўзларидека ёш билан отасига эргашиб, дарвозага югурди. Ҳовлига учта амаки кирди. Иккитасининг бўйи отасиникидан баланд, биттасиники отасиники билан баравар. Олдинги амакининг қорни катта. Хар учала амакининг ҳам қўлтиқларида қорғозга ўралган нарса. Нима бўлди экан? Ошхонадан ойиси югуриб чиқиб, меҳмонларни хурсанд қарши олди. Қорни катта амаки, кейин бошқалари ҳам қорғозга ўралган нарсаларини ойисига беришди. Ойиси ошхонага, отаси билан меҳмонлар катта уйга йўл олишди. Улардан кейин яна битта амаки, иккита хола келди. Уларни ҳам онаси «Хўш келдизлар!», деб қарши олди. Хуршид уларга арвайиб турар, ўзига эътибор бермаганлардан ўқсиниб, бир четда мунгайиб турарди. Чунки уларнинг уйларига бундан олдин келган меҳмонлар доим уни ўпиб, юзига

Неъмат АМИНОВ таваллудинини 85 йиллиги

секин уриб қўйишарди. У ҳам меҳмонларга эргашиб, катта уйга кирди. Ҳамма ўзича гапирди. Отаси радио ёнида. Мусиқа янграйди. Қорни катта амаки тўрда, гулдираб қулади. Хуршид бурчакка қисилиб, уларга ер остидан қарайди. Ён томондаги хола унга қараб жилмайди. Тишлари тилла. Ярақ-ярақ қилади.

Хуршид ғизиллаб ташқари чикиб кетди. Бир оздан кейин қайтиб келиб, аввалги жойини эгаллади. Тилла тишли хола унга қараб, такрор жилмайганда, у ҳам жилмайди. Унинг тишига чўйнинг ялтироқ қорғози қолпangan эди. Хола бир қаради-ю, кейин қовғонини солиб, четга бурилди. Хуршид «ачқичи чиқди» деб ўйлади, секин оғзидан сохта тишини олиб, бармоқлари орасида эзгилаб, шарикча ясай бошлади. Шу орада уйга меҳмонлардан яна беш-олти киши келди. Столнинг охирида ўтирган сочи кўп тоға унга қараб туриб жилмайди, кейин ўнг қўзини қисиб қўйди. Хуршид ҳам унинг қилиғини такрорларкан: «Яхши тоға...» дея кўнглидан кечирди.

Бироздан кейин қорни катта амаки ўрнидан туриб, йўгон овозда бир нималар деди. Хуршид ўзининг отини эшитганда, диққат билан қулоқ сола бошлади.

— ...Вот так, Хуршиджон бизнинг энг талантли укамиз, ўзи ёш бўлишга қарамай республикада хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонига сазовор бўлган Саври-

жон Салимовнинг нур дийдалари, тўнғич фарзандлари... Тўғри, агар

ҲИКОЯ

утган йили туғилган фарзандлари ҳам бўлганда эди... Хўп, бунинг зарари йўқ, бундак неудачнийликлар ҳаёда бўлиб туради... Мен имкониятдан фойдаланиб, Саврижон Салимовнинг талантини ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Дарҳақиқат, у киши театримизнинг ёш, умидли ва истиқболли актёрларидан. У киши бошқа баъзи артистларга хос бир-бирини кўра олмаслик, жиҳзакилик, борингки, ичқоралик ҳислатларидан тамоман тоза ва мусавффо. Мен у киши билан ilk марта театршунослик институтининг фойсидеа...


Хуршид бу сўзларнинг фарқига бормайди, боши оғирлашиб, гувиллайди. Пойгакка яқин жойдаги стулда ўтирган отасининг оёқларига суянади. Отаси уни қўтариб, тиззасига утказаркан: «Жим ўтир!» деб ўпиб қўяди. Меҳмонлар қадаҳларни уриштириб, ичмишди. Тилла тишли холанинг юзи худди «дорри» ичгандек буришиб кетади. «Аччиқ экан...» ўйлади Хуршид. Бир қарсақдан кейин отаси уни ерга тушириб, ойиси узатган олача тўнни «қорни катта амаки»га кийдиради. Ҳамма қарасқ чалади. Отаси «қорни катта амаки»ни зўрга қучқолаб, ўлади. Яна чапак. «Хе-хей, қизик бўлди...» ўйлади Хуршид. Отасиям, ойисиям ташқари келиб четлаб, Хуршид нимагадур ўзини ноқулай, якка ҳис этади, бошини эгтанча уялиб туради. Қўлпоғча виқаларнинг товоқларга бир маромада тепиб турган «шиқ-шиқ»и эшитилади. Хуршид ер тағидан меҳмонларга қарайди. Ҳамма қулиб турибди, у бироз дадиллашади. Ҳамма ўз гапи билан овера.

У стол қиррасига осилиб, вазадаги олмага интилади. Боядан бери унга икки-уч марта кўз қисиб, қулиб қўйган «яхши тоға» битта олма олиб беради. Хуршид «яна, яна» дея столга сакрайди. «Яхши тоға» яна битта олма беради. Хуршид иккала олмани икки қўлида қўксига қисганча эшикка томон бурилади. Ойиси келарди. У чопқиллаб, ойисига ташланади ва битта олмани унга тутқизади. Хуршид ойиси билан келиб ўтираркан, яна ўз номини эшитиб қолади. Дераза ёнида бир амаки сўзларди.

...Хуршиджоннинг туғилган кунлари шундай бир даврда ўтаятики, шонли халқимиз, шу жумладан, бизнинг театрини ҳаётида жуда катта воқеалар содир бўлаётган бир пайтда... Бу пайтда ҳали сўзга чиққан театримизнинг отахони, хурматли Шодмонхон акамиз ҳам жуда яхши гапларни айтдилар. Азиз дўстлар, мана қаранг, бугунги юбилей, тоес, именина дастурхонини товуқдан тортиб тортгача, ароқдан тортиб коньяккача безаб турибди, турли хилдаги закускалар, ҳаммаси муҳайё... Хуршиднинг боши тагин қувиллай бошлади. У гапираятган амакининг бошида уй шифтида осылган лостранинг эғжум чирқорларини кўради... Қизик! Ойисидан секин сўрайди.

— Ойи, ану амакимми чочлайи тани? — Ойиси пешонаси ялтироқ, ориқ театр суфлёрни Шорназар акага қарайди, қулгисини билдирмаслик учун қуйи лабини тишлаб, Хуршидни жеркийди.

Хуршид қўзларини очиб, юма бошлайди. Дастурхонга янгидан келтириб қўйилган қабобдан унинг ҳам егиси келади. Хайрият, онаси ташқари чиқди. Хуршид ўзига олма берган «яхши тоға»га қарайди, у ёнидаги хола билан гаплашиб ўтирарди. Нима қилиш керак? Столнинг туридан қўйиб келинаётган қабобдан буғ қўтарилади, сочи йўқ амаки бўлса ҳамон сўзлар, чамаси, ҳозиргина қўйлаётган қабоб ҳақида гапирарди. Ана, ниҳоят,



«яхши тоға» ўз олдидека товоқ учун жой очади. Хуршид бироз мулоҳазали қараб туради, сўнг эрқаланиб бориб, «яхши тоға»нинг тиззаларига суйканади. Меҳмон битта суяк олиб, болага тутқизади. Хуршид суякни олади-ю, икки қўллар, оғзига элтади, бошини э

Галерея:


Шаниқли rassomи Эркин Орол ижодидан намуналар



Бутунлик (2008).




Субхидам (2015).



Ёруғ кун (2022).



Тоғлар (2022).



Сурхоним (2019).

ЁШЛАР ОВОЗИ



Чанг кўчанинг яқоиси
янтоқ кета-кетгунча,
Сано ўқиб борурман
ҳар чоғ кета-кетгунча.
Дийдамдаги ёшимга
Хандон отасанми, дун?
Сенинг кўзларинг бенам,
қақроқ кета-кетгунча.

Кузга қоришиқ уйлар
бағрим уйиб бородур,
йўлга ошиққан руҳим
ишққа тўйиб бородур.
Гувоҳларим елкамда
қайдлар қўйиб бородур,
савоб-гуноҳим маним
тарқоқ кета-кетгунча.

Товоним шу тупроқнинг
оҳин тинглай ўқиб,
бу йўлдан ўтган мазлум
Дардини сезар қўқсим.
Истарим шу — қонимга
аланга тўкса-тўқсин,
Босмасин мени ҳаргиз
Мудроқ кета-кетгунча!
Чанг кўчанинг яқоиси
Янтоқ кета-кетгунча....

ЖИЙДА

Жийданинг шохларин эгар йигитча,
Қиқирлаб теради юзлари ол қиз.
Тиканли новдалар тилган қўлининг
Жабрини ўспирин тартади ёлғиз.

Қорибли кетади масрур лаҳзага,
Хазонбарг аралаш жийда ёмғири.
Иккимиз улардек аҳил бўлмадик,
Кун сайин яширдик қалбимиз сирин.

Мунг сизиб киради нигоҳларимга,
Жийдабўг дунёда йўлимиз айро
Ёки сен энг баланд шохни кўзладинг,
Мен жийда теришни билмадимми ё?..

ИНКОР

Бугун сени сира эслаганим йўқ!
Ҳеч бир дақиқамга дахлинг бўлмади.
Ишхонамдан мамнун қайтаётиман,
Қишлоқ қиёфамни ғамгин кўрмади.

Хавотир олмадим тасодифлардан,
Қўтилган дийдор ҳам ҳаёлимдамас.
Эгилмадим ерга, кўкка боқмадим,
Айтмадим исмингни ҳеч он, ҳеч нафас.

Заминни ёндирар самодда бир чўғ,
Ёнмади юрагим, ўртанмас бу жон.
Келмасанг — келмагин, майли, фарқи йўқ,
Эртага ҳам сени кутмайман, ишон.

БЕКАТ

Бекат бу биз соғинган висол,
лекин унга етмадик ҳануз.
Бошқа-бошқа йўлдан кетарди,
бизлар чиққан икки автобус.

Юракларда кучаяр ҳижрон,
бу йўлларда ғавго кўп экан.
Бизнинг ғалат автобусларда
туташган бир бекат йўқ экан.
Айро қилма дилларни, Роббим,
дучор қилма сўнг афсусларга.
Ҳеч кўнгилнинг кўни қолмасин,
бекати йўқ автобусларга.

Рўхсора САПАРБӨЕВА

Хоразм

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жа-
моаси, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока"
журналлари таҳририяти журнал масъул
котиби, уюшма аъзоси Дилором Муродо-
вага отаси
Абдурахмон УМАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдард-
лик билдиради.

«МУШОАРА» – МУШОИРА

МУТОЛАА

Мулоҳаза қилинса мушоара ва мушоира сўзлари бир ҳарф ўрин алмашиши билан фарқланиши аён бўлади. Арабчада мушоара, бизда мушоира деб ёзиб келинади. Урфон Отажон қаламига мансуб "Мушо-ара" номли китобдан мумтоз шоирларнинг шеърый баҳслари, айтишувлари кенгроқ ўрин олган, бир-бирдан қизиқарли ажойиб ғазал мухаммаслар, баҳри-байтлар ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Мушоира — икки ёки бир неча шоирнинг бир мавзуда бир-бирининг фикр-туйғуларини ривож-лантириб шеър айтишиш мусобақаси.

"Хиротнинг олим, шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, муҳим асарлар ўқилар, қизгич суҳбат-лар, мушоира бўлиб турарди...", деб ёзади атоқли адиб, Ойбек "Навоий" романида. Муаллифнинг саъй-ҳаракати тўғрисида асарлар ўз исмини сақлаган ҳолда авлодларга тўлалигича етказилган. Боқий, Ўлфат, Анисий, Сайфий, Ҳуррам каби 50 дан зиёд шоирларимизнинг ҳозиржавоб шеърлари китоб саҳифасини безаб турибди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, яқин ўтмишда ҳам кичик йиғинларда уюштирилган шеърхонлик — Бе-дилхонлик, Машрабхонлик, Навоийхонлик, мактаб-лардаги адабий кечалар ҳанузгача унутилганча йўқ.

Ҳануз ёдимда: ғазал ғазалга (қайси ҳарфда тугаса шу ҳарфда) улашиб кетарди. Ҳар бир муҳлис ҳеч бўл-маса Нодирдан, Увайсидан бир неча мисра шеър ёд биларди. Ўтган асрнинг 80-йилларида "Мушоира" китоби нашр қилинган, уни дўстларим билан қўлма-қўл ўқиб юрганмиз. Унда Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзо-да, Зулфиядан Йўлдош Сулаймонгача олтимишга яқин шоирнинг ижодидан намуналар берилган. Бу ижод

намуналари шеърят ихлосмандларига завқ-шавқ бе-рибгина қолмай, илҳом ҳам бағишлаган.

Мушоира шеърятнинг ўзига хос жанри бўлиб, одат-да, бу жанрда икки ёки ундан ортиқ шоир шеър айтиша-ди, ижодий мусобақалашади. Мушоира оғзаки ёки ёзма тарзда яратилган, халқ ижодиётида ҳам кенг тарқалган.

"Мушоира" китобини варақлаганимизда Собир Аб-дулла ва Амин Умарий таржибанди (сақизлик), Ҳазрат Ҳаззалига Муқимий, Нусрат, Фурқат, Завқий бағишлаган мухаммаслар, Фафур Фулом, Сайфий, Ҳабибийнинг ай-тишуви китоб саҳифаларига кўр бағишлаб турибди.

XX асрда яшаб ижод этган таржимон ва шоир Мунир (Муинзода) ва фольклоршунос олима, шои-ра Музаляна Алавия ўртасидаги ғазал мушоирасини яна бир бор эслаш ўринли.

Мунир:

**Жаҳонда ҳар кишига меҳрибон
жонон китоб ўлғай,**

Унга ёндошгучи дил

мақсадига камёб ўлғай.

Музаляна:

**Бу жанон лутфидин ҳар
бир киши тенг баҳраманд ўлса,**

Жаҳонда кулли мушл**одамига беазоб ўлғай.**

Ўйлаймизки, диёримизда китобхонлар давраси кенг, ҳар бир ижодкорнинг илҳом нафаси қайноқ, улар бирор янгилик айтгиси келади.
Мушоира этади давом...

Анвар МИРЗАЗОДА

— Икки шанбадан бери Солиполвон чойхонага келмай қўйди, тинчликми ўзи, — деди ликопчадаги шўр бодрингга қўлини узатаркан Ҳотамтой.

— Ўтган ҳафта хотинини кўргандим, — луқма ташлади Нодирхон. — Оғайни-гизнинг товлари йўқ, илгаригидай эмаслар. Бир гапириб ўн куладиган дўстингиздан асар ҳам қолмаган, — деди.

— Нима гап ўзи десам, — Булмаса ошни еб, эрта-роқ турамиз. Дўстдан хабар олиш савобли, — деди Ҳо-тамтой.

Оғайнилар Солиполвоннинг уйига келишганда аёли пешвоз чикди. Уларни ичкарига таклиф қилди. Катта уйнинг бир четидаги диванни тўлдириб ётган Солиполвон дўстларини кўргач чап ёнбошидан ўнгига аранг ўғирлиди.

— Ҳа, полвон, ётишинг беҳушов-ку, — Бунинг ҳаммаси кўп ичишдан, — дея жаврай кет-ди Солиполвоннинг хотини.

— Бунақанги катта гавданг, мешдек қорин билан яшаб бўлмайди-да, оғайни, — деди Нодирхон.

— Биз ҳам ичамиз, лекин сенчалик эмас. Меъёр бў-лиш керак, — дея гапга қўшилди Ҳотамтой.

— Ичишни ташлаш керак, тамом, — захархандалик билан сўз қотди хотини. — Ўтган ҳафта келган тоғалари ҳам шу гапни айтдилар. Бу кишим парво ҳам қилмади.

— Дўхтир, табиб дегандай... қақирдинларми, — деди гап пойлаб турган дўстлардан бири.

ОЗРОК ИЧСАЛАР

ХАЖВИЯ

Орага жимлик чўқди. Соли-полвон кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб шифтга қараганча ётар, айтилаётган гап-сўзларга бепар-во эди.

— Дўхтир нима ҳам дерди. Спорт билан шуғуллансин, олма есин, ичмасин деди, — хотини куюниб ёзгирди.

— Кўп ичадимми?
— Эй, нимасини айтай. Эр-талабдан саккиз, ўн пиёла, —

тушлиқда ўн беш пиёла кўрдим демайдилар.
— Кечкурун ичмайдими, ишқилиб?
— Сиз сўраманг, мен айтмай. Кечаси билан ичиб чиқадилар. Бу қоринга шунчаси сиққанга ҳайрон-ман.

— Вазият анча жиддий экан, — дея бир оз тин олди Ҳотамтой. — Келин, сиз куюнганча ҳам бор экан. Энди, оғайни, ичишни ташламасанг бўлмай-ди. Бирдан ташлаб юбориш қийин. Лекин секин-секин ташлаб юбурса бўлади.

— Оғайни гапириш осон, қандай қилиб, ахир? — Солиполвон бошини аранг кўтарди.

— Албатта, оз-оз ичиб турса зиёни йўқ, — гапга қўшилишди жўралари.

Солиполвоннинг хотини яна жаврай кетди:
— Оз-оз ичиб турсалар розиман. Аммо кун-да-кунора ўрикзорга қатнаб, байжей деган кўк чой-ни излаб сарсон бўламан-де. Чой бўлса, дамлаб олдиларига олиб келиш менга иш эмас.

Асрор СУЛАЙМОНОВ

Хуррам РАЙИМОВ

БОЛАЛАР БЕКАТИ

ПОНИЛАН ПОНИШ МОҚЛАР

ХАНДАЛАК

Ковунни эслатади,
Сап-сарик тўни билан.
Ёқимли бўй тарайди,
Кундуз-у туни билан.

Полизда уни барча,
Шул боисдан хуш кўрар.
Бир бор ҳидлаган бола,
Уйқусида туш кўрар.

Бозор кирган боболар,
Ёқтириши билинар.
Набираларга бир-бир,
Эринмасдан илинар.

Зиён етказолмағай,
Унга ҳатто ялмоғиз.
Ичкарида сақлангай,
Мазали, ёғли мағиз.

Олиб чиқиб осмонга,
Кўқдан ташлар гоҳ ерга.
Ёрилиб кетар дея,
Очиққан вақти қарға.

Англаган бўлсанг уни,
Айтишинг мумкин ўртоқ.
Дастурхонни ҳар кун,
Беzagуви бу — ёнғоқ!

Нигохингиз тушган чоғ,
Қалбингиз кетар яшнаб.
Барча яхши ниятлар,
Узоққа кетар бошлаб.

Полилардан қидиринг,
Бўлмай ортиқча ҳалак.
Йўлингизга кўз тикар,
Адрас тўнли хандалак.

КАПАЛАК

Юраклар тошиб кетар,
Қилганда улар парвоз.
Болажонлар чарчамас,
Қувиб ортидан боз-боз.

Тиклаб қоматларини
Қўнади гулдан гулга.
Ёйиб қанотларини,
Қўшилиб учар елга.

Кўрган чоғ дейсиз уни,
Азроплан учмоқда.
Чиройли парвоз билан,
Кенг оламни кучмоқда.

Камаладек товланса,
Ранглардан кўз қамашар.
Миттигина бу жонзод,
Кенг оламга ярашар.

Қисқагина умрини,
Ўтказар гулга буркаб.
Унинг номи капалак,
Ҳаётига нур тиргак.

Қисқагина умрини,
Ўтказар гулга буркаб.
Унинг номи капалак,
Ҳаётига нур тиргак.

Қисқагина умрини,
Ўтказар гулга буркаб.
Унинг номи капалак,
Ҳаётига нур тиргак.

Қисқагина умрини,
Ўтказар гулга буркаб.
Унинг номи капалак,
Ҳаётига нур тиргак.

Қисқагина умрини,
Ўтказар гулга буркаб.
Унинг номи капалак,
Ҳаётига нур тиргак.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati"

дастлабки очик танлов савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этила-диган очик танлов савдоларига, "Чорсу буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 23 январдаги 96-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчасида қури-лиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижара ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. 106-миллий кийимлар савдо шохобчаси умумий майдони 18,60м² бўлган миллий кийимлар савдо шохобчаси бошланғич баҳоси — 33 628 800 сўм.
2. 108-миллий кийимлар савдо шохобчаси умумий майдони 16,24м² бўлган миллий кийимлар савдо шохобчаси бошланғич баҳоси — 117 873 168 сўм.
3. 109-миллий кийимлар савдо шохобчаси умумий майдони 16,82м² бўлган миллий кийимлар савдо шохобчаси бошланғич баҳоси — 122 082 925 сўм.
4. 110-миллий кийимлар савдо шохобчаси умумий майдони 15,158м² бўлган миллий кийимлар савдо шохобчаси бошланғич баҳоси — 110 020 000 сўм.
5. 111-миллий кийимлар савдо шохобчаси умумий майдони 16,588м² бўлган савдо шохобчаси бошланғич баҳоси — 120 400 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини

билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 25 июль кунин соат 11:00дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилишнинг охири-ги муддати 2022 йил 22 июль кунин, соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридаги савдо шохобчаларнинг ижара ҳуқуқлари 2022 йил 25 июль кунин сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2022 йил 3, 12, 23 август, 5 сентябрь кун-лари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар-ни қабул қилиш танлов ўтказилиши белги-ланган кундан уч кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертта солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳуж-жатлар тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйха-тидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳ-номанинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун СТИР ва пас-портнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгор-га савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш кунин ичида сотувчи билан ол-ди-сотди шартномаси тузиш мажбури-яти юклатилади. Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан ту-зиладиган закатат келишувига асосан, ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич баҳосини 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатат сифатида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ-нинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмалор фил-лиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519га савдо-да иштирок этиш учун ариза топширган-га қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, сав-долар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: **Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғ-бек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй. Тел: (95) 199-12-21, (95) 195-12-21. www.kmsx.uz.** Электрон почта: **ko'chmasmulk@mail.ru.**

Лицензия RR-0001.



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: **uzas.gzt@mail.ru**



**Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

Ҳамқоримиз:

muassis

**Бош
муҳаррир
Салим
АШУР**

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шўхрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmaviy kommunikatsiyalar agentligida tomonidan 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 940, Буюртма Г - 744,
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2,
Нашр кўрсаткичи - 222,
Тахсилотлар учун - 223, 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

**ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ**
Сотува нархи эркин.



ISSN 2181-614X

